Тошкент ҳақиқати

№ 150 (10.399).

1992 йил 27 октябрь сешанба

Баҳоси 2 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

И. КАРИМОВ ХИТОЙЛИК МЕҲМОНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Умумхитой касаба уюшмалари федерацияси раисининг муовини Ван Хоуде ҳамда Шинжонг-уйғур мухтор район касаба уюшмалари конфедерациясининг раиси Мамат Нурни қабул қилди.

Суҳбат чоғида иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатлар истиқболи ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси билан Умумхитой касаба уюшмалари федерацияси ўртасида ҳамкорлик қилиш режалари хусусида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси раиси Б. Алламуродов ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан ҳозир бўлишди.

(ЎзА).

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОН ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 26 октябрь куни Япония молия вазирининг халқаро ишлар бўйича муовини Тадао Чинони қабул қилди.

И. Каримов Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги алоқаларни кенг йўлга қўйиш иккала мамлакат учун ҳам жуда фойдали эканини, дунё иқтисодиётида юксак мавқега эга бўлган мамлакат тажрибаси Ўзбекистон миллий иқтисодиётини барпо этишда қўл келишини таъкидлади.

Жаноб Т. Чино Япония ҳукумати Ўрта Осиёдаги ёш мустақил давлатларга молиявий, иқтисодий ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, молия вазири Э. Бақибоев ва ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ҳозир бўлишди. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Йиғилишда купонларнинг ички бозорни ҳимоя қилишдаги муҳим роли, «рубль» ҳамласи, товар-маҳсулотларни республикадан четга олиб чиқиб кетишга чек қўйиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу масалалар юзасидан «Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» тизимларида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотлар тингланди.

Йиғилишда таъкидландики, республикамизда жорий этилган купон яхши самара бермоқда. Келтирилаётган моллар ана шу купонлар билан асосан жумҳуриятимиз аҳолиси томонидан харид қилинмоқда.

Сўнгги пайтда «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» тизимлари корхоналари ва ташкилотларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирмунча кўпайди. Аммо аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳали кўп тадбирлар амалга оширилиши лозим. Бу борада янги кичик корхоналар айниқса қўл келмоқда.

Чой, буғдой, ун, ўсимлик мойи каби ўзимизда ҳам тақчил бўлган маҳсулотларнинг четга чиқиб кетиши тўхтамаётгани сабабли ҳокимларнинг шу соҳага жавобгар муовинларига, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига бундай ҳолларга зудлик билан чек қўйиш тадбирларини кўриш топширилди.

«Рубль»дан воз кечган давлатлардан Ўзбекистонга кўплаб қоғоз пул келмоқда. Бу эса республикамиз иқтисодиётига катта зарар етказмоқда. У бозоримизда нарх-навонинг кўтарилиб кетишига олиб келаётир. Шу сабабдан республика ҳуқуқ-тартибот органларидан «рубль» ҳамласига қарши чоралар кўриш талаб қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг муовинлари иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда юбилей тантаналари режаларининг айрим тафсилотлари, жумладан, бошқа юртлардан келадиган меҳмонларни кутиб олиш ва жойлаштириш, Тошкент ва Жиззах шаҳарларида юбилей кунларига тайёргарликнинг бориши ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Шароф Рашидовнинг номини абадийлаштириш юзасидан тушган таклифлар баёни тингланди. Уларни республика ҳукуматига тақдим этишга қарор қилинди.

Юбилейга аталган суратлар, таклифномалар, шунингдек Шароф Рашидов қаламига мансуб асарларнинг янги нашрлари намуналари намойиш этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қораболев бошқарди.

(ЎзА).

Вилоятда биринчи бўлиб

ҚУЙИЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ДУСТЛИК» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ПАХТАКОРЛАРИ ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ РЕЖАНИ БАЖАР ДИЛАР. ЯНА ҚЎШИМЧА 500 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИЛАДИ.

● ТУҚҚИЗ ЮЗ гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозирги кунга қадар қариб 28 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Деҳқонлар ғўзанинг кечикишидаги муддатни қисқартириш, ҳосилни эрта пишириб олиш учун барча имкониятларни, тажриба ва маҳоратларини ишга солдилар. Ҳар бир тадбир машина теримини кўзлаб амалга оширилди. Майдонларда мўлжалдаги ҳосил пишиб етилди.

Терим агрегатлари пухта созлаб қўйилганлиги, механик-ҳайдовчилар танлови жараёнида қайта-қайта синовдан ўтказилганлиги муваффақият гарови бўлди. Дастлабки кунларданоқ агрегатлар унумли ишлай бошлади. Айрим механик ҳайдовчилар кунига 10—12 тоннадан пахта тердилар. Турдиали Мадинов, Қаҳрамон Юзтоев, Ҳаёт Аҳмедов, Виталий Хван, Муҳиддин Раимбеков, Бахтиёр Бозоров, отабола Ғани ва Шариф Исломовлар айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Ҳозиргача тайёрланган 2480 тонна пахта асосан машиналарда териб олинди ва машина терими режаси 115 фоиз бажарилди.

Давлат Усмонов, Одамбек Букенбоев, Муслим Раимбеков, Жалғо Омонбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари биринчилардан бўлиб режани бажарган эдилар. Улар айни кунларда ҳам суръатни бўшаштирмаётирлар.

— Пахтанинг харид нархи яна оширилганлиги,— дейди жамоа хўжалиги раиси Жаҳонгир Муҳамедов,— пахтакорларни руҳлантириб юборди. Улар бор ҳосилни сўнгги килограммигача йиғиб-териб олиш ва яна қўшимча 500 тонна пахта тайёрлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

(Жамоа хўжалиги пахтакорларининг меҳнат ютуғи ҳақида батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида берилади).

ТЕЗКОР ПАХТА ШТАБИ

ВИЛОЯТИМИЗ қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йилги қийин иқтисодий ва об-ҳаво шароитида ҳам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Сабзавот, мева, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда ғалвир сувдан кўтарилмоқда. Сабзаводчилар ҳосилни йиғиб-териб олиш ва топширишни ниҳоясига етказаётирлар. Миллий бойлигимиз — пахта терими эса қизғин ва ҳал қилувчи босқичга кирди. Ҳар кунни сабзаводчилар, пахтакорларнинг илк меҳнат ютуғи ҳақида хушхабарлар келиб турипти. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталари ҳузурида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг айни кунлардаги ишлари, эришилаётган дастлабки натижаларни ёритиш мақсадида ТЕЗКОР ПАХТА ШТАБИ ташкил этилди. Районлардаги штабларнинг аъзолари, ҳокимлик ходимлари ўзларининг қишлоқ хўжалигига оид ютуқлари, хушхабарлари, далада ишлаётганларга кўрсатилаётган маданий-маиший хизматлар хусусида, шунингдек йиғим-теримни кун сайин тезлаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳақида бизга қуйидаги телефонлар орқали ўз вақтида хабардор қилиб туришларини сўраймиз.

33-40-48, 33-48-08, 33-50-18, 33-05-22.

Қуйида штабга келган дастлабки хабар ва мақолаларни эълон қилаётирмиз.

Яна 6 центнердан бўлади

БЎКА. Бригадир Набижон Абдуллаев механизаторлар Одина Ибодуллаев ва Мамасаид Қосимовларга алоҳида миннатдорчилик билдирди. Чунки, улар кундалик топшириқни икки-уч ҳисса ошириб бажариб, бригаданинг улкан хирмонига катта ҳисса қўшмоқдалар. Шу туфайли ҳам жамоа режани муддатидан илгари ошириб бажарди. 87 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 24 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Умумий хирмон 210 тоннани ташкил этди.

Бригадир Набижон ака фаоллари билан далаларни айланиб чиққач:

— Ҳосилимизнинг чўғи яхши,— деди у,— агар астойдил ҳаракат қилсак, режага қўшимча яна олти центнердан пахта топширишимиз мумкин.

Далада иш қизигандан қизимоқда. Механик-ҳайдовчилар агрегатларини иккинчи бор далага олиб чиқиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Қўлда пахта теручилар ҳам бўш келмаяптилар. Янги мўлжал ҳам, албатта, бажарилади.

«Мустақил Ўзбекистон» хўжалигида илғорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Қудрат Сотиболдиев бошлиқ жамоа деҳқонлари ҳам 38 гектар ердан 82 тонна ҳосил топшириб, режани бажарганликлари ҳақида маълумот бердилар. Бу ерда ҳам ҳосилдорлик 24 центнерни ташкил этди. Бунда механик-ҳайдовчи Эргаш Қўчқоровнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Бу жамоа ҳам ўз олдига яна гектаридан олти центнердан ҳосил топширишни мақсад қилиб қўйди.

Н. ИСАЕВ.

● БЎКА районидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 1125 гектар ерда пахта етиштирдилар. Айни кунларда далаларда 22 та пахта териш машинаси ишлаб хўжалик хирмонига барака киритмоқда. Пахтакорлар режани барвақт уддалаш учун астойдил ҳаракат қилаётирлар. Суратда: (чапдан, ўнгга) жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ўсар Усмонов, механик-ҳайдовчи Қамчибек Худойбердиев, бригада бошлиғи Сотиболди Абдумўминов ўртоқлар машина терими учун ажратилган далаларда.

Суратқаш А. МАЛЬЦЕВ.

ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАЦИНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 26 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машинада бир кунда терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бўка	3,15	64,72	3,43	63,66
Бекобод	2,91	62,42	2,39	50,18
Қуйичирчиқ	3,23	58,10	3,36	61,01
Оққўрғон	4,39	57,65	4,58	49,49
Чиноз	2,62	53,89	2,82	45,41
Пискент	2,18	51,79	1,47	27,98
Янгийўл	2,84	47,63	2,31	28,30
Юқоричирчиқ	3,90	43,78	4,47	49,02
Ўртачирчиқ	4,50	42,41	4,44	32,07
Вилоят бўйича:	3,35	55,12	3,34	47,34

ЎРТАЧИРЧИҚДАН ИККИ ХУШХАБАР

МАРРАГА ЕТДИЛАР

● РАЙОНДАГИ пахтакор хўжаликлардан режани бажарган жамоалар ҳақида хушхабарлар келмоқда.

Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги ҳозирги кунга қадар режасини 72 фоиздан ошириб бажарди. Жамоанинг Маҳмуд Тешабоев, Карим Умрияев, Абдуҳолиқ Пўлатов ўртоқлар бошлиқ бригадалари биринчилардан бўлиб маррага етиб келдилар. Бу бригадаларда ҳар гектаридан 27—28 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Машиналар хирмонга барака киритди. Механик-ҳайдовчилар агрегатлардан унумли фойдаланганликлари туфайли режани барвақт уддалаш мумкин бўлди.

Райондаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигининг Ўрмонали Тожиев бошлиқ бригадаси эса ҳозиргача 28 центнердан ҳосил йиғиб олиб маррага етиб келди.

Бригада далаларида ҳосил мўл. Улар йиғим-теримни бўшаштирмасдан давом эттирмоқдалар. Ҳосилдорликни кам деганда 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

МЎЛЖАЛ ЯНА 250 ТОННА

● ЎРТАЧИРЧИҚ райони сабзаводчилари ҳозирги кунга қадар режадаги 34 минг тонна ўрнига 34 минг 915 тонна сабзавот топшириб, дастлабки муваффақиятга эришдилар.

«Ҳақиқат», «Қорасув», Акмал Икромов номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари сабзаводчилари, айниқса, яхши натижаларга эришдилар. Улар пахта билан бир қаторда сабзавотдан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашиб, зарур тадбирларни амалга оширдилар ва бугунги кунда юзлари ёруғ бўлиб турибди.

Йил бошида сабзавотчиликда ижара усулига ўтилгани қўл келди. Деҳқонлар ерга эгалик қилдилар. Манфаатдорлик оширилганлигини ҳис этиб турдилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир экин меҳр билан парвариш қилинди. Тури кўпайтирилди.

Бошқа хўжаликларнинг сабзаводчилари ҳам режани бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

— Имкониятларни чамалаб кўрдик,— дейди район деҳқончилик саноати уюшмаси бош агрономи Ҳикматулла Утабоев,— бошқа сабзаводчилар билан қўшиб ҳисоблаганда яна 250 тонна ҳосил топширишни мўлжаллаб турибмиз. Бу ҳосил далаларда бор. Уни йиғиб-териб топширишни кечиктирмаймиз.

500 ТОННА ОШИҒИ БИЛАН

БУ ЙИЛГИ табиат нижиқликларидан бободеҳқон озмунча азият чекмадими? Лекин шунга қарамай, ишнинг ҳаддини олган деҳқон энг оғир дамларда ҳам бўйин эгмади. Албатта, жон қуйдириб қилинган меҳнат самарасиз қолмайди.

Буни Тошкент районидаги Тўлабий номли жамоа хўжалиги сабзаводчиларининг фидокорона меҳнати мисолида кўриш мумкин. Хўжалик деҳқонлари бу йил давлатга 4300 тонна ўрнига 4800 тоннадан кўпроқ сабзавот топшириб, йиллик режаларини ортиғи билан уддаладилар. Айни кунларда далаларда иш қизғин паллага кирган. Тўлабийликлар шаҳарликлар дастурхонига табиат ноз-неъматларини пешма-неш жўнатиб туришибди.

С. АБДУЛЛАЕВ.

• ОБУНА—93 •

«ЎЗИМИЗНИНГ ГАЗЕТАГА ЁЗИЛМАЙ БЎЛАДИМИ?»

ОБУНА мавсумининг ҳам ўзига хос қизиқ томонлари бор. Шу кунларда биронбир корхона ёки хўжаликка, ташкилот ёҳуд муассасага ташриф буюрсангиз, бошқа ташвишлар билан биргаликда обуна масаласига ҳам дуч келасиз. Чунки, газета ва журналларга ёзилиш бу йил ҳар йилгидек силлиқ кетмаётир. Бунинг бойси обуналар нархи муштарийларга бироз оғирлик қилаётганлигида деб тушунмоқ керак. Аммо, кўпчилик ўзимизнинг вилоят рўзномамизга ёзилмай бўладими, барибир обуна бўламиз, газетасиз ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз, демоқдалар.

Тошкент вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси тизилмаси ходимлари ҳам баайни ана шу фикрни қўллаб-қувватламоқдалар. Уюшма ташкилий-кооператив ишлар бўлими мудири **Ш. Г. САГДЕЕВ** шундай дейди:

— Биз бу уюшма бўйича бошқа рўзномалар қатори 1026 нусха «Тошкент ҳақиқати» газетасига ёзилишни ҳам режалаштирган эдик. Ҳозирга қадар жойлардаги матлубот ходимларидан 1074 нафар киши вилоят рўзномасига обуна бўлишди. Обуна ишлари Т. Баракаев (Бўстонлиқ), М. Қўчқорова (Тошкент) лар бошлиқ район матлубот жамиятлари уюшмаларида жуда яхши кетмоқда. Паркент, Ўрта Чирчиқ туманларида ҳам ёмон эмас. Лекин, Бўка, Чиноз, Оққўрғон районларидаги аҳволдан кўнглимиз тўлмаётир. Ўйлаймизки, яқин кунлар ичида улар ҳам обуна бўйича ўз олдиларига қўйган вазифаларини тўлиқ адо этадилар.

Энг муҳими шуки, биз ҳар ҳафтада бир марта уюшма таркибига кирувчи корхона ва ташкилот раҳбарларининг қисқа муддатли йиғилишида, албатта, обуна масаласини муҳокама қилишни одат тусига киритганмиз. Бундай иш услуби ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Сўнгги ана шундай йиғилиш ўтган ҳафтанинг жума куни бўлиб ўтди. Унда уюшмамиз бошқаруви раиси Мирзиёд Каримжонов обуна мавсумини яхши якунлашимиз лозимлигини яна бир марта алоҳида таъкидлади.

У. РАҲИМОВ.

ИШГА ЖИДДИЙ КИРИШИЛСА

Кўпчиликка маълумки, бу йилги обуна мавсумининг ўзига хос мураккабликлари бўлди. Бозор иқтисодиёти, нарх-навонинг ўсиши... Лекин узоқ йиллар рўзномага обуна бўлиб, уни қўлдан қўймай ўқийдиган мухлислар эса газета нархининг ошганига қарамай барибир ёзилишяпти. Яна бир янгилик. Обуна ишларини эса район ҳамда шаҳарлардаги почта алоқа тармоқлари олиб боришяпти. Бизнинг суҳбатдошимиз Оққўрғон район почта алоқа тармоғининг бошлиғи Баҳромжон Рўзибоев, Табиийки, суҳбатимиз бу йилги обуна ҳақида бўлди.

— Баҳромжон, сиз бошчилик қилаётган ташкилотнинг обуна ишлари билан шуғулланиши вазиятни енгиллаштирдими? Газета-журналларга обуна бўлиш қандай кетаяпти?

— Бизнинг ходимлар асосан матбуот, пенсия ва шунга ўхшаш нарсаларни аҳолига тарқатишади. Районимиз ҳудудида эса 17 та алоқа бўлимимиз мавжуд. Хат ташувчиларимиз ҳар куни жойларда аҳоли билан мулоқотда бўладилар. Қисқаси, халқ орасидалар. Масаланинг шу томони уларга обуна билан шуғулланишга имконият беради. Айни пайтда 20 дан зиёд ходим обуна билан шуғулланмоқда.

— Маълумки, газета ҳамда журналларни мутоала қилиш кишиларни маънавий жиҳатдан бойитади. Лекин хўжалик ҳамда ташкилот раҳбарлари бу масалага фақатгина маънавий томондан эмас...

— Фикрингизга тушундим. Биз кундалик нашрларга баҳо берганда масаланинг шу томонига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Барча лавозимдаги раҳбарлар қўл остидаги кишиларни айни пайтдаги иқтисодий қийин даврда маънавий бойлик билан таъминласалар, яъни моддий жиҳатдан уларнинг обуна бўлишларига ёрдам бериб юборсалар айни муддао бўларди.

Лекин ишимизнинг ҳозирги пайтда яна бир мураккаб томони бор. Кўпгина хўжалик ҳамда корхоналар ҳисобида маблағ йўқ. Тошкент вилоят банки ҳамда район ва шаҳарлардаги унинг тармоқлари обуна учун хўжаликларга пул ўтказиб туришса, ишимиз юришиб кетарди.

— Айтинг-чи, районда «Тошкент ҳақиқати» газетасига обуна қандай кетаяпти?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, кўпчиликда рўзномага обуна бўлиш учун хоҳиш бор, лекин моддий томондан имконият йўқ. Йўқса... Ўзингиз ўйлаб кўринг, районимиз ҳудудида 130 га яқин ташкилот, шу жумладан, иккита шўро хўжалиги ҳамда 11 та жамоа хўжалиги мавжуд. Шу хўжаликларда ишга жиддий ёндошилса, иш кўнгилдагидек бўларди. Лекин шундай бўлса ҳам «Оққўрғон» шўро хўжалиги, «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги, «Аччи» қишлоқ шўроси, Оққўрғон АТПси, район маорифчилари, 32-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти жамоалари бу ишга жиддий муносабатда бўлишмоқда. Бунинг учун уларга катта раҳмат. Мен аминманки, оққўрғонликлар бу йилги обуна мавсумида ҳам яхши натижаларга эришадилар.

Суҳбатдош Н. РАФИҚОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ШУНДАЙ ТАКЛИФЛАРИМ БОР

Республикамиз Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинганлиги янги демократик мустақил давлатимиз ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди. Лойиҳани ўқиб анча қониқиш ҳосил қилдим. Бунда демократик давлатнинг турмуш тарзига оид бўлган қонун-қоидалар ўз ифодасини топган. Уни ижобий баҳолайман. Ҳуқуқий дастур сифатида мустақил Ўзбекистоннинг кўпқирралари ҳаёт тарзини қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Шу билан бирга лойиҳада бахсли жойлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, бу муҳим ҳужжатнинг давлат ҳокимиятини ташкил этилишига бағишланган XVIII бобидаги Олий Мажлисга бағишланган 81-моддасида «Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг Раиси Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисига ҳисоб бериб туради» дейилган. Республика Президенти ва Бош вазир (Олий Мажлис тасдиқлайди) ўз фаолияти ҳақида ҳисоб бериб туриши айтилмаган. Лойиҳада таъкидланишича, Президент ва Бош вазир давлатнинг ижро этувчи ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланишади. Шундай экан, улар ҳам ҳисоб бериб турсалар ўринли бўлмасмиди, деган фикрга бораяпман. Шу муносабат билан: «Олий Мажлис **ҳокимлар, вазирлар, Бош вазирнинг ва Президентнинг ўз конституциявий бурчларини қандай бажараётганликлари тўғрисида ҳисоботларини эшитади»**, деб қўшимча киритиш тарафдориман.

Лойиҳада Президентга бағишланган XIX боб 92-моддаси юзасидан қуйидагича таклиф киритаман:

Шу модданинг 9- ва 12-бандларидаги «Бош вазир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади...» (9-банд). «...вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади» (12-банд) деб белгилаш унчалик ўринли эмас, деб ўйлайман. Чунки Тошкент шаҳар ҳокимини умумий сайлов асосида сайловчилар яширин овоз бериш билан сайлашган-ку. Менимча, ҳамма вилоят ҳокимларини ҳам умумий сайлов ўтказиш қондасига амал қилиб, яширин овоз бериш асосида сайланса, янги демократик давлатимиз мазмунига тўлиқ мос бўлар эди.

Лойиҳада қишлоқ Кенгашлари нуфузини кўтариш билан тааллуқли қоидаларни яна ҳам мустаҳкамлаш лозимдек кўринади. Зероки, қишлоқ Кенгашлари мустақил республикамизнинг биринчи бошланғич идоралари сифатида аҳоли билан энг яқин мулоқотдаги ташкилотлардир. Қишлоқ Кенгаши халқнинг оммавий эрки, иродаси, кайфиятини ифодаловчи бошқарув органидир. Республика аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқда яшайди. Ўзбекистондаги мавжуд маҳаллий ҳокимият идораларининг 80 фоиздан ортиғини халқ депутатлари қишлоқ Кенгашлари ташкил этади. Саноатимизнинг кўп тармоқлари учун энг зарур хом ашёлар қишлоқда етиштирилади, аҳолини озиқ овқат билан таъминлаш муаммолари ҳам қишлоқда ҳал этилади. Ана шуларни ҳисобга олиб, **қишлоқ Кенгашларининг ҳуқуқларини кучайтиришга даҳлдор бўлган қоида лойиҳадан ўрин олишини истар эдим.** Қишлоқ Кенгашларига молиявий ёрдам вилоят ва туман маблағи ҳисобидан берилиши лозим. Шундагина қишлоқларимиз истиқболи янада ёрқин бўлади деб ўйлайман.

Шунингдек, кейинги пайтларда республика ҳукумати хусусан, Президентимиз маҳаллалар ҳаётини яхшилашга, мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор бермоқда. Айниқса, «Маҳалла» жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги фармон ўз ҳаётийлиги ва долзарблиги билан кишилар эътиборига лойиқ бўлди. Шу муносабат билан лойиҳада **маҳалла қўмиталари турмуш тарзига, уларнинг иш фаолиятини мунтазам жонлантиришга бағишланган қоида ҳам акс этиш керак**, деб ҳисоблайман.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти етакчи илмий ходими.

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТ ВА ЖАВОБЛАРДАН

ҲАМКОРЛИКДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

ГАЗЕТАНИНГ 1992 йил 15 август сонида «Меҳрга зор Сабоҳат» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Кунн кеча шу мақола юзасидан А. Икромов райони ҳокими О. С. Алиҳўжаев имзоси билан жавоб олдик. Унда айтилишича, мазкур мақолада кўтарилган масалалар даҳлдор мутасадди ташкилотлар ҳамда район раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилган.

Одилова Сабоҳат болалигидан ногиронлиги туфайли нафақа олиб келмоқда. Ўзбекистон республикаси президентининг 1992 йил 8 октябрдаги фармонига асосан унинг оладиган нафақа миқдори шу йил октябрь ойидан бошлаб 2 минг сўм қилиб белгиланди.

Район ижтимоий бўлими томонидан С. Одиловага махсус ногиронлар аравачаси топширилиб, 150 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган. Шу билан бирга алоқа кабелндаги носозликлар бартараф этилиб, 42-63-09 рақамли телефон алоқаси қайта тикланган.

Айни пайтда район «Қизил ярим ой жамияти», «Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси» ҳамда 8-поликлиника маъмурияти ўз имкониятлари доирасида С. Одиловага доимо керакли моддий, маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Республикамиз пойтахтидаги 2-пойабзал фабрикаси жамоаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни янгилашга алоҳида эътибор бермоқда. Бу ерда тез-тез янги пойабзал турларини тайёрлаш ўзлаштирилмоқда. Суратларда: 5-цех мастери Рихсивой Тўлаганов конвейерда ишловчи Гулойша Ражабова билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда (юқорида), хотин-қизлар учун мўлжалланган янги пойабзаллар (ўртада), уста Ноила Шосадимова ўз шогирди Гулнора Усмоновага тикиш сирларини ўргатмоқда.

Ҳ. СОЛИҲОВ суратлари.

ХЎЖАЛИКНИНГ ЯНГИ ТАРМОҚЛАРИ

«ЗАРКЕНТ» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДА КИЧИК САНОАТ КОРХОНАСИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Паркент райони деганимизда осонўпар тоғлару, қишин-ёзин яшил либосга бурканиб ётадиган арчазорлар, поёни йўқ мевали боғлар, уфққа туташиб кетган узумзорлар, охири кўринмас ўтлоқлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ҳа, бу воҳа йилнинг барча фаслларида мафтункор, киши қалбига қандайдир енгиллик бахш этувчи даражада кўркам бўлади.

Заркент бу туманга хол тушган қишлоқдир. Унинг етти минг нафар атрофидаги аҳолиси қадим-қадимлардан боғбонлик, соҳибкорлик, чорвачилик билан шуғулланиб келган. Унинг тўлиқ қиёфасини буларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бамисоли туманни Заркентсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек. Жануб томони тоғ билан туташиб кетган бу қишлоқ меҳнатсевар кишилари билан ҳам машҳур, эл оғзига тушган. Улар асосан «Заркент» давлат хўжалигида меҳнат қилишади. Бирлари боғбон, иккинчилари соҳибкор, учинчилари чорвадор, ғаллакор, яқиндан бошлаб эса тўла маънодаги ишчилик касбини эгаллаган заркентликлар ҳам пайдо бўлди... Буларнинг ҳаммаси ҳақида бир бошдан ҳикоя қиламиз.

— Бу йил баҳорнинг сернам бўлиши дон экиндари учун анча қулай бўлди,— дейди давлат хўжалигининг бош агрономи Файзулла Фатҳуллаев.— Айни вақтда уни парвариш қилиш ишларини ҳам вақтида, сифатли ўтказишга алоҳида эътибор берилди. Чунки хўжалигимиз учун, қолаверса вилоятимиз, республикамиз учун ҳам дон керак. Унинг камлигини ҳамма билади. Бу доим, айниқса ҳозирги шароитда, яъни илгариги дон етказиб берувчи манбалардан ажралиб қолинган вақтда катта ташвиш туғдирмоқда. Шунинг учун хўжалигимизнинг бу тармоғига аҳамият бериш анча кучайтирилди. Табиатнинг қулай келишию ғаллакорларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли анча дуруст ҳосил етиштирдик. Ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда йигирма центнердан дон кўтардик. Шунинг 700 тоннаси давлатга топширилиб, режа ортиғи билан уддаланди. Қолганининг бир қисми уруғлиққа сақланади, чорвага ажратилди. Бу йил аҳолига ҳам анча ғалла тарқатамиз. Хўжалигимиздаги ҳар бир оилага муайян миқдорда берилади...

Албатта, дончилик давлат хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири. Лекин унинг қиёфасини кўпроқ боғлар, узумзорлар белгилайди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Соҳибкорлар, боғбонлар жамоада кўпчиликни ташкил этишади.

Хўжаликнинг узумзорлари кенглиги, хилма-хиллиги билан кўзни қамаштиради. Кўпроқ шароббоплари экилади, айни вақтда бевосита истеъмол учун мўлжалланганлари ҳам кўп. Турини санаб саноғига етиш ҳам амри маҳол. Лекин ҳаммаси ҳам ширин-шакар, обдон етилганини есангиз тилингизни ёриши ҳам мумкин.

— Кўкламдаги об-ҳаво хўжалигимизнинг бу етакчи тармоғига салбий таъсир қилди, умуман туманимизда ҳам узум ҳосили кўнгилдагидек бўлмади,— дейди ички ачиниш билан бош агроном,— ўтган йили ҳаммаси бўлиб беш ярим минг тонна ҳосил етиштирган ва сотган эдик. Бу йил ниятимиз янада каттароқ эди. Лекин унга эришолмайдиган бўлдик. Токзорлар парваришига қанчалик зўр бермайлик, ўтган йилги даражага ҳам ета олмаслигимиз маълум бўлди. Шунинг учун ҳозирча уч ярим минг тонналик маррани эгаллаш учун курашаяпмиз. Унга эришсак ёмон бўлмайди.

Илгари барча узум ҳосилини давлатнинг вино заводларига топширар эдик. Бундан кўриладиган наф эса кам бўларди. Шуни ҳамда бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олиб узумни қайта ишлаш, яъни ундан шароб тайёрлашни йўлга қўйдик. Бунинг учун завод қурилди. Унда узумни қайта ишлаш ҳам бошлаб юборилди. Биз етиштирилган ҳосилни зудлик билан заводга етказиб берамиз, натижада уни тайёрлаш, ташиш жараёнларида несобуд бўлишининг олди олинмоқда. Илгари бундай йўқотишлар хўжаликка катта зарар келтирарди.

— Шароб заводининг умумий қуввати йилига беш минг тоннагача етказилади,— деди суҳбатимизга қўшилган хўжалик директорининг муовини Зафар Ашуров.— Ҳозирги ишга туширилган қисми минг тонна узумни қайта ишлашга мўлжалланган. Қолган навбатлари ҳам бирин-кетин қурилаверади.

— Завод учун асбоб-ускуналар қандай йўл билан олинди?

— Бу ерда ҳам бартер усули, яъни етиштирилган маҳсулотни айрибошлаш қўл келди,— дейди директор муовини.— Ҳозирги шароитда фақат шу йўл билан собиқ иттифоқдош республикалардан ҳам у-бу асбоб-ускуналарни олаяпмиз. Шу кунгача Россияга уч юз тонна олма жўнатдик. Худога шукурлар бўлсинки, узумдан бошқа меваларимизнинг чўғи ёмон эмас. Шунинг учун улар жонимизга аро кирмоқда. Меваларни алмаштириш билан фақат қайта ишлаш саноати учун машина-механизмларгина эмас, бошқа зарур буюмлар ҳам олинмоқда. Чунончи ёғоч-тахта, идишлар, турли хил қурилиш материаллари, чорва учун аралаш озуқа, ем-хашак ва бошқа нарсалар шунинг ҳисобига келтирилмоқда. Бундай алоқани Россия, Украина ва бошқа давлатлар билан ўрнатганмиз.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан хўжаликларда етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш тармоғини ташкил этишга эътибор кучаймоқда. Давлат хўжалигида бу соҳада амалга оширилган ва режалаштирилган ишлар ҳақида гапириб бersangиз?

— Бозор муносабатлари иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда,— дейди давлат хўжалиги директори Тожибой ака Ризаев.— Шундай шароитда «ўзинг учун ўл етим» қабилида иш олиб боришга тўғри келади. Демак, хўжалигимизни юксалтириш, аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш ҳақида ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш талаб этилади. Бунга эришиш учун барча имкониятлар ва омилларни ишга солишимиз, улардан аниқ мақсадни кўзлаб оқилона фойдаланишимиз керак.

Шу мақсадда хўжалигимизда биз учун янги бўлган тармоқ—саноатни, асосан унинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи соҳаларини барпо этишга астойдил киришдик. Бу ишни бутун жамоамиз тўла қўллаб-қувватламоқда. Дастлабки ишларни рўёбга ҳам чиқардик. Айрим корхоналарнинг маҳсулот бера бошлаганига анча бўлди. Бу билан уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган хотин-қизлар, ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш имкони туғилмоқда.

Заркентда дастлабки саноат корхонаси — тикувчилик цехини ишга тушириш катта воқеа бўлди. Тўғри, унинг қуввати катта эмас, лекин бир қишлоқ учун етарли, Цехда эллитта тикувчилик машиналари ўрнатилди. Турли хил ички кийимлар, ўрин-кўрпа буюмлари, халатлар ва бошқа шу каби маҳсулотлар тикиляпти. Энг муҳими бир юз эллик нафарга яқин заркентликлар шу ерда иш билан тамъинланди. Бундан ташқари, учта кичик корхона ишлаб турипти. Уларда дурадгорлик буюмлари, шлакблоклар, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Кичик корхоналарда ҳам етмиш нафарга яқин киши ишламоқда.

Туманда энг йирик тегирмон ҳам қурдик. Ҳашар усули билан барпо этилган бу корхонада ҳар куни қирқ тонна буғдой тортиш мумкин. Унинг хизматидан туман меҳнаткашлари ҳам фойдаладилар. Жувозхонамиз ҳам ишлаб турипти.

Қайта ишлаш тармоғини янада ривожлантириш режаларимизга келганда шуни айтиш керакки, бу тармоққа эътибор ҳеч вақт сусайтирилмайди. У фақат фойда келтирмоқда, хўжалигимиз жамоаси даромадларининг ортишига олиб келмоқда. Бу тармоқ бўйича катта ҳажмдаги ишлари амалга оширишни мўлжаллаб қўйганмиз.

Ҳозирги вақтда хўжалигимизда ғишт заводи қурилияпти. У йил охиригача фойдаланишга топширилади. Натижада томорқа учун участка ери олган ва якка тартибда уй қурувчиларнинг яна бир мушкули осон бўлади. Улар иморатлари учун қимматли бундай қурилиш материалини қидириб, овора бўлишдан халос бўладилар. Керагини шу заводдан олаверадилар.

Келгусида кулолчиликни ҳам барпо этмоқчимиз. Бунинг учун хом ашё заҳиралари етарли бор. Минг тонна маҳсулотни сақлашга мўлжалланган совуқхона қурилади. Бунинг учун керакли лойиҳа — сарф-ҳаражатлар ҳужжатлари тахт қилиб қўйилди. Унда 500 тонадан мева ва узум сақлаш назарда тутиляпти. Меваларни қайта ишлаш учун ишлаб чиқаришлар, чунончи консерва корхоналари ҳам барпо этилади. Шароб ва мева шарбатларини идишларга қуядиган қувватлар ҳам ташкил этилади. Сут заводи қурилиши ҳам мўлжалда бор. Буларнинг ҳаммаси яқин йилларда амалга оширилади. Кейин ҳам у давом эттирилади. Бунинг учун зарур бўладиган асбоб-ускуналарни четга узум-мева сотиш ҳисобига келтирилади.

«Заркент» давлат хўжалиги жамоасининг режалаштирган бу ишлари муваффақиятли амалга оширилишига тилакдошмиз.

М. МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• ИШБИЛАРМОНЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

МУШТАРИЙ МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

МАҲАЛЛА АҲЛИ ХУРСАНД

Бекобод шаҳар «Бекобод» ва М. Турғунбоева маҳаллаларида 7644 дан зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда айрим бебошлар кўпайиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, ҳамманинг асабига тегар эдилар. Милиция катта лейтенанти Исроилжон Мўминов келдию, осойишталик қарор топди. У ёмон йўлга киришга мойил ўсмирлар, ёшлар билан суҳбатлашиб, уларни тартибга чақирди, яхши гаплар билан йўлга солди.

Исроилжон Бекободдаги Улуғбек номли давлат хўжалигида туғилиб, вояга етди, ҳарбий хизматни ўтади. Кейин мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлади. И. Мўминов 1981 йили Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими соқчилик бўлинмасига хизматга кирди, бу ерда яхши ишлаб, раҳматномалар олди.

Биз Исроилжондан хурсандмиз. У ҳамиша маҳаллалар тинчлигини таъминлайди. Бир неча марта йўлтўсарларни ушлаб, уларнинг ота-оналарини чақириб суҳбатлашди, жарима тўлаттирди, огоҳлантириш хатлари юборди. Хуллас, ҳаммамиз тинчиб қолдик. Бунинг учун Исроилжон Мўминовга миннатдорчилик билдирамиз.

Н. ОТАБОЕВ.

ТУҒРУҚХОНАДА КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ

КЕЙИНГИ йилларда пойтахтнинг Шайҳонтоҳур районида жойлашган 1-туғруқхона фаолияти анча кенгайиб, муолажалар олиб боришнинг янги усуллари жорий этилди. Туғруқхона ҳузурида кардиология марказининг бунёд этилиши бунга мисолдир. Янги шифобахш марказ юраги бетоб аёллар соғлиғини муҳофаза қилиш имконини беради. Марказда ишлаш учун малакали шифокорлар жалб этилди.

С. ОДИЛОВА.

САЛОМАТЛИК МУАССАСАЛАРИДА

ТИББИЙ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНДИ

Бугунги бозор иқтисодиёти шароити мураккабликлари барча соҳа каби тиббиёт соҳасини ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин зиммаларидаги инсон учун энг зарур бўлган соғлиқни муҳофаза этишдек масъулиятли вазифаларини яхши тушуниб етган вилоятимиз тиббиёт ходимлари ўзлари дуч келаётган қийинчиликларни енгиб, кишилар саломатлигини тиклаш, уларга тетиклик ва хушкайфият бахш этиш учун бор имкониятларни қидириб топиб ишга солмоқдалар. Бу борада айниқса Юқоричирчиқ район соғлиқни сақлаш бўлими тиббиёт ходимлари олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир. Биз яқинда шу районда бўлиб уларнинг иш фаолиятлари билан танишгач бунга гувоҳ бўлдик.

Бугунги кунда районда 340 ўринли марказий касалхона, 115 ўринли туғруқхона, 100 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси, ҳар бири 100 ўринли иккита қишлоқ-даҳа шифохонаси, кўплаб қишлоқ врачлик амбулаториялари бор. Умуман районда жами 1640 нафар тиббиёт ходими, шу жумладан, 204 нафар шифокор, 740 нафар ўрта тиббиёт ҳамширалари аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қилмоқда. Районда аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида кундузги стационарлар ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, Юқоричирчиқ районида бундай стационарлардаги ўринлар сони 200 дан ошиб кетган. Чунки қишлоқ аҳли, айниқса аёллар учун бундай кундузги стационарларда даволаниш жуда қулайдир.

Шу боис райондаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг эски идораси таъмирдан чиқарилиб, ана шундай кундузги стационар ташкил этилди. Шунингдек, «Ийк ота» жамоа хўжалигида 25 ўринли, Жамбул номли жамоа хўжалигида 15 ўринли кундузги даво масканлари аҳоли хизматида.

«Гулистон» жамоа хўжалигининг Жумабозор қишлоғида шу йилнинг бошида ташкил этилган кундузги стационар, «Дўстлик» жамоа хўжалигининг Болта участкасидаги қишлоқ врачлик амбулаторияси беморлар дардига шифо бахш этиб келмоқда, Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигининг 4-даҳаси марказдан анча узоқда жойлашган бўлиб, бу ердаги аҳоли тиббий хизмат соҳасида қийналарди. Шунинг учун ҳам район соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари даҳада амбулатория очиш зарур деган хулосага келдилар. Жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон халқ ноиби Абдумажид Машаҳобов бу фикрни қўллаб-қувватлади. Натижада у кишининг эл соғлиғи йўлидаги астойдил саъйи ҳаракатлари туфайли бу даҳада қишлоқ врачлик амбулаторияси иш бошлаб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Маълумки, вилоят физиотерапия шифохонаси ҳам шу жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Шифобахш суви, даволашнинг массаж, парафин, айланма душ каби усулларидан фойдаланувчи, бу шифо масканида район аҳли учун ойига атиги иккитагина йўлланма ажратиларди, холос. Бу эса даволанувчилар эҳтиёжини қондиролмасди. Шу боис жамоа хўжалигининг ўз шифохонасида шифобахш суви билан даволовчи бўлим очиш ҳаракатига тушилди ва бундан икки йилча муқаддам вилоят касалхонасидан 1,5 километр узоқликдаги қишлоқ касалхонасига шифобахш сув олиб борилиб 40 ўринли физиотерапия бўлими ташкил этилди.

— Даво масканимиз 100 ўринли,— дейди бош шифокор Маҳфуза Фатҳуллаева, — Шундан 40 таси физиотерапия бўлимига ажратилди. Бу ерда асосан бўғим касалликлари билан оғриган беморлар шифобахш минерал сув, массаж, ванна, парафин билан даволанадилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги байрами арафасида эса «Гулистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ажойиб совға олдилар. Бу ердаги икки қаватли меҳмонхона биноси бутунлай қайтадан таъмирланиб кундузги стационарга айлантирилди. 25 ўринли бу шифо масканида беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Энг замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган стационар хизматидан айниқса, ёш болали ва кўп фарзандли оналар миннатдорлар.

— Район соғлиқни сақлаш бўлими ва жамоа хўжалигимиз раҳбарлари биз ҳақимизда қайғуриб, шундай шифохона ташкил этганликлари учун беҳад хурсандмиз, — дейди колхозчи аёл Насиба Исабекова.— Биз оналар ўзимиздан аввал, фарзандларимизни, уларнинг соғлиғи ва тинчлигини ўйлаймиз. Ўзимнинг етти нафар ўғил-қизларим бор. Шунинг учун ошқозоним оғриб тез-тез безовта қилса ҳам, ёш болаларимни ташлаб, шифохонада хотиржам даволанишга ётолмасдим. Мана, шу кундузлик шифохона очилганидан жуда хурсандман, келганимга ўн кунча бўлиб қолди. Кун бўйи барча зарур муолажаларни олиб, тўрт маҳал овқатланиб, кечқурунлари ўз оилам, фарзандларим даврасида бўлмоқдаман. Кўнглим хотиржам, соғлигим ҳам яхшиланиб, оғриқлар бутунлай йўқолди.

Райондаги даво муассасалари вилоятда биринчилардан бўлиб хўжалик механизми усулини қўллаб, бригада пудрати аасосида иш юритаётганликлари учун ҳам беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар ва бу борада муваффақиятли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Яъни, ходимларнинг иш самараси ва сифатига қараб маош тўлаш йўлга қўйилган, Беморларни касалликдан батамом фориғ қилиб, асоратсиз даволовчилар, тажрибали шифокорлар рағбатлантирилиб, уларга яхши маош тўланаётганлиги ҳам ишнинг сифати яхшиланишига кўмак бермоқда.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йил эса 600 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди, Тушаётган даромад эса соғлиқни сақлаш муассасалари ишини яхшилаш, моддий-техник негизни мустаҳкамлашга сарфланмоқда.

Масалан, марказий касалхонада нон заводи ишчи-хизматчилари учун иккита ўрин ажратиб берилган. Ўз ўрнида завод бунинг учун 50 минг сўм пул ўтказди. 121-автотранспорт корхонаси учун ҳам шартнома асосида марказий касалхона ҳисобидан терапевт, тиш дўхтири ажратиб берилган. «Гулистон» жамоа хўжалигидаги тикувчилик кичик корхонаси ишчи-хизматчилари саломатлигини муҳофаза этиш учун ҳам шу соҳа дўхтирлари ва гинеколог ажратилган.

Марказий касалхонада барча бўлимлар энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Уларда малакали шифокорлар ва ҳамширалар беморлар хизматидалар. Хусусан, Х. Бобохонов, Г. Шералиева, Е. Ким, В. Нанчева, А. Худоёрова, Х. Бегимов, Б. Холов, И. Рисоваларр район аҳли орасида кўли енгил шифокор сифатида танилганлар.

Айни кунларда пахта терими мавсуми қизғин давом этмоқда. Нодир Утегенов бош бўлган район тиббиёт ходимлари ҳам юқоридан ҳеч қандай буйруқ, кўрсатма кутиб ўтирмай, ўзларининг иш ўринларини пахта далалари шийпонларига аллақачон кўчирганлар.

— Биз доимо район ҳокимлиги, хўжаликлар раҳбарларининг мададини ҳис этиб турамиз,— дейди Нодир Утегенов.— Улар ҳамиша бизнинг хайрли ишларимизга бош-қош. Чунки, биз уларнинг кўмаги, мададисиз кўп ишларимизни амалга оширолмас эдик. Ахир ҳаммамизнинг ҳам мақсадимиз бир—у ҳам бўлса халқ саломатлигидир. Яқинда «Дўстлик» жамоа хўжалигининг марказий касалхонаси ёнида шифобахш сув аниқланди. Ҳозирда бу ерда 60 ўринли физиотерапия усулида даволовчи бўлим ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Биз шифокорлар учун энг олий мукофот — ўзимизга умид ва илтижо билан тикилган кўзларнинг севинчдан порлашишини кўришдир. Барча оқ халатли ҳамкасбларимга фақат ана шундай қувончли дамларни кўриш насиб этаверсин!

Зулҳумор ЖУРАЕВА.

АЛЛОМАЛАР РУҲИ МАЪРИФАТГА ЧОРЛАЙДИ

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ ВА ТАРБИЯЧИЛАР 1 АДАБИЙ АНЖУМАНИ

ҚАЕРДА ва қайси юртда бўлмасин фан, маданият, санъат ва адабиётнинг битмас-туганмас хазинаси ҳақида гап кетгудек бўлса, албатта шарқ алломаларининг табаррук номлари тилга олинади. Хоразмий, Фаробий, Ибн-Сино, Беруний, Рўдакий, Фирдавсий, Навоий, Бобур... Улар илм-маърифат ўчоғини вужудга келтирганлари ҳолда қадимги шарқ мамлакатларининг гуллаб-яшнашига катта ҳисса қўшганлар.

Бироқ донишманд саналган халқ фарзандлари бугунги кунга келиб, наҳотки илмдан, маърифатдан, таълим-тарбиядан безган бўлса? Бундай дейишимизга асос йўқ. Фақатгина маълум муддат унинг нурафшон шуъласи сўна бошлаган эди. Шу шуъла атрофида эса маърифатпарвар, доно халқимизнинг, буюк алломаларнинг тетик руҳлари кезиб юрди. Фарзандларимиз эса асло илм-маърифатдан безгани йўқ. Фақат миллий туйғулар билан суғорилган, келажак тараққиётини белгилай оладиган билимга, одобга, чанқоқ эди улар.

Минг шукурлар бўлсинки, эзгу ният амалга ошди. Қалби пок халқимиз, юртимиз бошига ҳумо қуши қўнди. Истиқлол нури ўзбек замини узра чарақлаб, халқни янги жамият қуриш сари ундамоқда. Бироқ ана шу мустақиллик дея аталмиш юксак туйғуни улуғлай билиш, миллатнинг равнақини таъминлаш, ўзбекнинг келажагини яратадиган фарзандларимизнинг ким бўлиб етишишлари энг аввало ўқитувчиларга боғлиқ. Ижодкор ўқитувчилар олдида ёшларга эш бўлиб, карвонни тўғри йўлдан тортишдек катта вазифа турибди. Бунинг учун биринчи галдаги вазифа уларнинг бошини қовуштиришдан иборатдир. Шу мақсадда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги республика Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ижодкор ўқитувчи ва тарбиячиларнинг биринчи адабий анжуманини ўтказишга қарор қилди. Бу тадбир республика ўқув услубиёт марказида уч кун давомида иш юритди. Анжуман кутулганидан ҳам знёда, кўтаринки руҳда ўтди. Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ушбу анжуманни очар экан, таълим-тарбия масканларининг бугунги кундаги аҳволи ва ижодкор ўқитувчиларнинг ундаги тутган ўрни ҳақида сўз юритди.

— ...Ўз мустақиллигига эришган юртимизда демократик, ҳуқуқий давлат тузишни ният қилган эканмиз,— деди у.— аввало бунинг учун мактабни янгиламоқ керак. Шундай шарт-шароит етилди ҳам. Бу борада Президентимиз И. Каримовнинг ҳам хизмати катта бўлмоқда. Жумладан, ўқитувчиларнинг, ижодкорларнинг моддий-маънавий томонларини ҳисобга олиб, уларга бир қанча имтиёзлар бериш ҳақида фармонлар чиқарди. Шундай экан, эндиликда миллий қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда ижодкор ўқитувчи учун янада яхшироқ ишлаш талаб этилади.

Анжуманда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби Жамол Камол, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, шоира Гулчеҳра Нуриллаевалар иштирок этишди. Улар ижодкор ўқитувчиларни қизғин табриклашди. Анжуманда иштирок этган ижодкорлар уч кун давомида ўзаро фикр, таажриба алмашдилар. Учрашувлар қизғин баҳс ва мунозара остида ўтди.

Анжуманда вилоятимиз ижодкор ўқитувчилари ҳам иштирок этишди.

— Учрашувни кўпдан орзу қилардим,— дейди Бўка районидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси Орифжон Пўлат. — Бу биз ижодкорларни хушнуд этиш билан бирга янада яхшироқ ишлашга даъват этади. Бу ердаги учрашувдан кўп нарсани ўргандим. Анжуманга ўз таклифларим билан ҳам қатнашдим. Жумладан, ижодкор ўқитувчиларнинг уюшмасини тузиш керак. У ўз низом ва дастурига эга бўлиши зарур деб ўйлайман. Таъбир жоиз бўлса, қоғоз қимматчилиги барҳам топгач, ёки йўлини топиб, уюшманинг газета ёки журналини чиқариш айни муддао бўларди. Шундагина кўзланган мақсадга эришамиз.

Оҳангарон районидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси Саида Душаева ҳам анжуман ташкилотчилари хайрли ишга қўл урганлигини ҳаяжон билан сўзлади.

...Анжумандан бир олам таассуротлар олдим. Фан, маданият, санъат ва адабиёт хазинаси янада бойишига ижодкор ўқитувчилар катта ҳисса қўшишларига, илм масканларининг эса миллий руҳ билан суғорилишига ишонгим келади. Бу борада уларни буюк алломаларимизнинг тетик руҳлари қўллаб-қувватласин.

Х. ШАФОАТОВ.




ЯНГИЙЎЛ консерва иш лаб чиқариш заводида айни кунларда 76 хил маҳсулот тайёрланади. Бу маҳсулотлардан республикамиз аҳолиси баҳраманд бўлаётир. Суратларда: томат тайёрлаш цехи. Технолог Рая Гильманова (чапдан), бош технолог Лариса Шишкина ва цех бошлиғи Бахтиёр Ҳайитбоев лар маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Ишчилардан Алижон Маратов ва Бахтиёр Абдухоиров ўртоқлар томатни идишларга жойлашмоқда; завод маҳсулотларидан намуналар; саб завотлардан хилма-хил консервалар тайёрлашда Саломат Ортиғалиева (ўнгда, ўртада) бошчилигидаги ишчилар астойдил меҳнат қилиб, кунлик топшириқларини ошиғи билан адо этмоқдалар.

Суратқаш П. ЭРГАШЕВ.

● *«92-йил ҳосили»* ●

ПАХТА ШТАБИ ЭШИТАДИ

Айни пайтда кундалик пахта йиғим-теримида Бўка райони олдинда бормоқда. Биз бу илғорликнинг «сир»ини билиш мақсадида яқинда районда бўлдик.

ҲОКИМИЯТ биносининг иккинчи қаватига кўтарилишимиз билан тўғридаги эшик хонасига «Пахта штаби, масъул ходимлар Р. Йўлдошев ва Н. Мирбобоев» деб қайд қилинган ёзувга кўзимиз тушди.

Бу ерда бугун Нурали Мирбобоев навбатчилик қилаётган экан. У бир қўлида рация, ким биландир гаплашмоқда. Иккинчи қўли билан эса телефон рақамларини теряпти. Биз билан бош ирғаб сўрашишга мажбур бўлди. Сал бўшагандан сўнг, кечирасиз, деб қўшиб ҳам қўйди. Бемалол, ишингизни қилаверинг, дедим мен уни ҳижолатдан қутқармоқчи бўлиб, ҳалақит бермаймиз, қайтага ишингизни кузатиб, гапларингизни эшитиб ўтирсак, яхши.

У трубкани жойига қўйган ҳам эдики яна рация чақириб қолди.

— Алло, бешинчи эшитади, Қодир ака сизмисиз. Тушундим. «Қашқадарё»дамисиз, пахта териш машиналари яхши ишламаяпти, дедингизми, ҳозир қишлоқ хўжалик таъминоти мутасаддиларига айтаман. Таъмирчилар гуруҳи боради.

Бу орада мен маълумотларга кўз ташлайман. Машина терими билан қизиқаман. Кеча далаларда 400 та машинада 390 таси ишлабти. Ҳар бир машинада ўртача 5,5 тоннадан пахта теридиби. Кўчма устахоналарнинг хизмати катта бўлаётганлигидан далолат бу!

Яна рация чақиради.

— Айтдим. Қодир ака. Таъмирчилар гуруҳи чамамда йўлга чиқди.

— Раҳмат, ука.

Шу пайт хонага баланд бўйли, малласоч, иссиқ кийиниб олган бир киши кириб келди. У ўзини Ангрендаги электр ремонти заводиданман, деб таништирди. 25 кишилик жамоа ҳашарга келибди. Яхши жойлашиб олдик, бироқ овқат қилайлик десак...

— Ҳабарим бор, — деди Нурали, — биз гаплашиб, келишиб олдик. Хўжалик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла таъминлайди. Лекин гўшт, нонни ўзларингиз сотиб оласизлар. Уни олиш учун кимга, қаерга, қачон учрашишларини ҳам бир йўла айтиб беради. Бояги одам раҳмат, айтиб чиқиб кетади.

Нурали сал бўшагандек бўлувди жойлардаги тармоқ штаблари билан гаплашишга тутунди.

— Ҳар куни соат 12 дан бошлаб пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотларни ҳар икки соатда олиб турамиз, — деди у. — Бизга бу ҳақда штаб аъзолари маълумот беришади. Биз бу маълумотларни тунги соат 4-5 ларда умумлаштириб, сўнг «кундалик»ни чиқарамиз.

— Кеча қанча топширдинглар?

— Бешдан ошди.

— Бу суръатни неча кун ушлаб туриш мумкин?

— Агар ҳаво туриб берса уч-тўрт кун ушлаб туришга ҳаракат қиламиз.

Гап уриниб келиб қолганлиги учун хўжаликларда йиғим-терим қандай бораётганлиги: ким олдинда, ким илғорлиги билан қизиқдим. Ҳозир «Ачамайли» хўжалиги пешқадамлик қиляпти. У билан Ғаффор Азаматов номли хўжалик баҳслашяпти. «Янги ҳаёт» ҳам бўш келаётгани, йўқ. Ҳар куни олтиетти фоиз топширишяпти улар.

Телефон жиринглаб қолди. Тимирязев номли колхоздан Нуралини сўрашаётган эди. У маълумотларни ёзиб ола бошлади. Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам колхоз раиси билан телефон орқали қисқача мулоқотда бўлдим: «хўжалик етмишга бориб қолибди. Далада 21 та машина ишлаяпти. Етти тоннадан теряпти. Механик-ҳайдовчилардан Аҳмад Эшонқулов, Суюн Асроровларнинг уйган хирмонлари юз тоннадан ошиб кетди. Аррар Ҳайдаров, Рашид Раззоқов ўртоқлар бошлиқ жамоалар маррага етиш арафасида. Улар ҳар гектардан 28 центнердан ҳосил йиғиб олишди. Яна беш центнердан топширишмоқчи. Хўжаликнинг марраси эса 28 центнер. Албатта, ўттиз бир центнер бўлади, дейди раис.

«Бўстон» давлат хўжалиги директори Деҳқонбой Султоновнинг ишонтириб айтишига қараганда эрта-индин суръат янада кўтарилади. Машиналаринг ҳаммаси ишлаяпти. Ноябрнинг биринчи ҳафталарида режани уддалашмоқчи.

Хонага район халқ демократик партияси кенгаши биринчи котиби Баҳром Раҳмонқулов кириб келади. Айни кунларда у кўпроқ ёрдамчилар масаласи билан шуғулланмоқда. Ҳозир «Кўкорол» совхозида бўлибди. У ердаги 300 та ҳашарчининг қандай жойлашганлиги, уларга яратиб берилган шарт-шароитлар, имкониятлар билач қизиқибди.

— Қизиқ,— дейди у хуноб бўлиб, — ахир биз келишганмиз-у, лекин сотувчилар бу «келишув»ни бузишяпти. Ёрдамчилар нон олмоқчи бўлишса купон сўрашаётган экан. Сиздан илтимос, Нурали, матлубот жамияти раҳбарларини топиб, айтиб қўйсангиз, сотувчиларга тайинлаб қўйишсин! Ёрдамчилардан купон сўрашиб, уларни хуноб қилишмасин!

— Хўп бўлади, — деди Нурали.

Баҳром ака «Бўстон»га ўтиб, у ердаги аҳвол билан ҳам чуқурроқ танишмоқчи эканлигини айтади. — Айрим жойларда, — деди у,— иссиқ овқат қилиш пайсалга солинаётганга ўхшайди. Буни текшириб кўриш керак. Сиз ҳам жойларга телефон қилганингизда қизиқиб кўринг.

Телефон жиринглайди.

— Эшитаман, — дейди Нурали, — Саидраҳим ака сизмисиз? — Айтаверинг, нима гапингиз бор эди.

— Хўжаликлар ўзларига тегишли пиллаларини тезроқ сотишлари керак, — дейди Саимоқов, — (у пиллачилик идораси бошлиғидир) мен ҳаридорларни ҳам топиб қўйдим. Хўжалик раҳбарлари тезроқ ўзларининг вакилларини юборишса бўлгани. Улар савдолашиб, аҳдлашиб ишни пишитишади.

— Илтимосингизни хўжаликларга етказаман, — дейди Нурали.

У трубкани қўяр экан «ҳали ҳам тўлиб-тошганда Саидраҳим ака. Бўлмаса бу тенги, бу ёшдаги одамлар...»

Мен шу куни кечага Нурали билан бирга бўлдим. Унинг ишини, кузатдим, фаолиятини таҳлил этдим. Шунга амин бўлдимки, теримтранспорт отрядининг унумли ишлашида, суръатнинг кўтарилишида штаб ва унинг жойлардаги тармоқлари хизмати катта бўляпти. Одамлар, айниқса, пахта пункти ходимлари, маниий хизмат тармоқлари ишчи-хизматчилари йиғим-терим билан боғлиқ бўлган масалалар, муаммоларни ҳал этишда ҳар кун, ҳар соатда штабнинг мадади, ёрдами ва мурувватини сезиб, ҳис қилиб турибдилар.

— Ҳар ҳолда ишларимиз ёмон эмас, — дейди район ҳокими Қодир ака Элчибоев, — пахтакорларимизнинг руҳи тетик. Пахта харид нархининг янада ошириш тўғрисидаги фармон эса уларнинг кайфиятини яна ҳам кўтариб юборди. Биз ҳамма имкониятларни ишга солиб, суръатни туширмасликка, режани биринчилар қаторида бажаришга ҳаракат қиламиз.

Хўжаликда бўлган, пахта тайёрлаш пунктларининг иши билан танишган, механик-ҳайдовчилар, теримчилар, ёрдамчилар билан суҳбатлашган одам бу гапларда асос борлигига, бўкаликлар, албатта, маррани барвақт эгаллаб йилни ёруғ юз билан якунлашликларига сира шубҳа қилмайди.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТАФТИШЧИ

● *Булар ҳақида кам ёзилади*

— Ростини айтсам, иним, касбим ўзимга ёқади. Элга нафим тегаётганлигини билиб, сезиб, ҳис қилиб тураман. Шунинг учун ҳам тинчлигимдан, ҳузур-ҳаловатимдан кечиб бўлса ҳам 32 йилдан буён тафтишчи бўлиб ишлаб келаяпман.

Абдукарим ака Жабборов билан бўлган дастлабки суҳбатимиз шундай бошланди. Мен унга зимдан назар ташлайман, ўта вазмин, диёнатли инсон эканлигига ишонч ҳосил қиламан.

Айтишларича, ўз ишига пухта ва ниҳоятда талабчан. У ёки бу хўжаликда тафтиш олиб бораётганида, аввало, иқтисодий аҳволни пухта таҳлил этади. Қайси тармоқ, қайси соҳа қай аҳволда-ю, қанча даромад олинаяпти, буромад қилиняпти. Нималарга сарф бўлаяпти, зиён кўрилган бўлса, сабаблари нимада? Буларни ипидан-игнасигача ўрганиб чиқишга ҳаракат қилади.

Элнинг, кўпчиликнинг назарига тушиш осон эмас, албатта. Бир куни уни қўйчилик салмоқли ўринни эгаллайдиган жамоа хўжалигига тафтиш учун юборишди. Бу бежиз эмасди. Уерда 500 дан ортиқ қўйлар гумдон қилиб юборилганлиги ҳақида миш-мишлар юрганди. Ким ҳақ, уни аниқлаб, ошкор қилиш керак.

— Дадил бўлинг,— деб айтишди ўшанда Абдукарим акага,— бўш келиб юрманг, сизни ҳам алдаб қўйишмасин!

Лекин Абдукарим ака анойи эмасди.

Хўжаликка боргач, аввало, фахрий чўпонлар билан дилдан суҳбатлашди. Уларнинг юрагига қўл солди. Шу аснода қўйчиликни юритишнинг жуда нозик томонларини, сир-асрорларини билиб олди. Ана шундан сўнггина идорага келди. Ҳар бир отарга ва фермага оид ҳат-ҳужжатларни синчиклаб кўздан кечирди. Расмийлаштирилганига қараганда ферма ва отарларда ҳамма ишлар жойида эди. Шу аснода ҳафта ўтди.

— Энди қўйларни санашга борамиз,— деди у раҳбарларга.

Одатга бу иш шундай амалга ошади: қўй ва қўзилар яйловлардан ҳайдаб келиниб, махсус жойдан ўтказилади. Шу пайтда саналади. Чўпонлар ва ферма мудирлари ўзларини хотиржам тутардилар.

— Бошлаймизми, Абдукарим ака,— дейишди улар тафтишчига мурожаат қилиб.

— Марҳамат,— деди Абдукарим ака.

Шундан сўнг ишга киришилди. Қўй ва қўзиларни беш-олти киши ҳар томондан қисиб келиб, махсус жойга ҳайдай бошладилар. Буни кўриб Абдукарим ака мийиғида кулди.

— Ўзларингни қийнаб нима қиласизлар,— деди у,— жониворларни сал эркинроқ қўйинглар.

Чўпонлар бир-бирларига маъноли қарашди. Бу орада Абдукарим ака ўзи билан бирга олиб келган қўл шахматини чиқариб ўртага қўйди. Қани, бир партиядан ўйнаб олайликчи, кейин бир гап бўлар. Ноилож, майли дейишди. Қўйлар қуршовдан қутулгач, ҳалиги отар ичидан юздан ортиқ қўй дарҳол ажралиб чиқиб, бошқа томонга юриб кета бошлади.

Буни тафтишчи зимдан кузатиб турган эди.

— Энди санашни бошласак бўлади,— деди Жабборов ва ўрнидан турди. Ажралиб чиққан қўйларни биринчи бўлиб санади. Буларни хўжаликка кирим қиламиз, деди.

«Муттаҳамлар» деб хаёлидан ўтказди. Камомадни эса бош чўпон тўлаши керак.

— Жон ака,— деди жонсарак бўлиб қолган ёш чўпонлардан бири,— бу қўйларни мендан икки соатга бериб турасан, деб сўраб олишган эди. Энди менинг ўзимга тегишли отарда қўйлар етмай қолса, нима қиламан!

У ялиниб-ёлворарди.

— Ҳечқиси йўқ, ука,—деди Абдукарим ака,— бундан буён ўйлаб иш қиласиз. Ким, нима, деса ўшанинг ноғорасига ўйнайвермайсиз!

Чўпоннинг таёғи қўлтиғидан тушиб кетгандек бўлди. Тақдирига тан бермасдан бошқа иложи йўқ эди...

...Яқинда Абдукарим ака яна бир катта хўжаликни тафтишдан ўтказди. Иш ниҳоясига етганда, раҳбар билан унинг ўртасида тахминан қуйидагича суҳбат бўлиб ўтди:

— Бош хосилотнинг ойлиги қанча?

— 4200 сўм.

— Демак, бир кунлик меҳнат ҳақига 112 сўмдан тўғри келади. Бундан ташқари унинг шоферига 86 сўм, ёқилғисига 500 сўм, автомашина қаровига 40 сўм, жами бўлиб 738 сўм тўланади. Назаримда бундайлар кўп. Бош мухандис, бош зоотехник, бўлим бошлиғи ва ҳоказо лавозимларни ушлаб туришга ҳам озмунча сарф-ҳаражат бўлмаса керак.

— Тўғри айтасиз,— деди директор,— булар учун йилига хўжаликнинг 8 миллион сўмдан ортиқ маблағи сарф бўлади.

— Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисизлар?

— Ахир ўйлаганда нима қилардик. Ҳамма жойда шундай бўлиб келяпти-ку!

— Ҳа баракалла,— деди тафтишчи,— энди бундай бўлмаслиги керак-да! Ахир давр ўзгарди, замон ўзгарди, иқтисод янги изга тушмоқда. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топсин. Бунинг учун ижарачиларни, пудратчиларни, фермерларни кўпайтирайлик, деб қайта-қайта айтиляпти-ку! Нега энди бу соҳада сусткашликка йўл қўйишимиз керак? Чорвачиликда ҳам бу усулга тезроқ ўтиш вақти келди.

Хўжалик раҳбари бошини қуйи эгганча, жим бўлиб қолди. Ортиқ мулоҳазага, баҳслашувга, тортишувга ўрин қолмаган эди. У янги йилдан бошлаб хўжаликни бошқаришда бутунлай янгича йўл тутишга, ижарачиларга кенг йўл беришга аҳд қилганлигини айтди.

— Тафтишчилик жуда қалтис иш,— дейди Бекобод райони деҳқончилик саноати комбинати бош директори Сафарали Холбеков,— Ўзингизга маълум, гуноҳи, айби бор одам қандай бўлмасин ўзини оқлашга ҳаракат қилади. Бу мақсади йўлида агар «фойдаси» тегадиган бўлса жиноятга қўл уришдан ҳам тоймайди. Бундай пайтда тафтишчи ўта иродали, нафсини тийган, маишатга берилмайдиган одам бўлиши керак. Абдукарим Жабборов ана шу фазилатларни ўзига мужассамлантирган. Ҳамиша сидқидилдан ишлаб келаётганлиги учун ҳам бирор марта юқорининг танбеҳини олмаган. Лекин, уларнинг «марҳамати»дан ҳам баҳраманд бўлмаган. Айримларга ўхшаб қўша-қўша орден ва медаллари йўқ.

Устознинг шогирдлари турли соҳаларда муваффақиятли меҳнат қилиб келишмоқда. Жабборов фаолияти билан танишсангиз, у тафтиш олиб борган жойда ҳеч вақт норозилик келиб чиққанлигини билмайсиз. Чунки у ҳар бир соҳани изчиллик билан ўрганиш учун вақтини, билимини аямайди. Аввалига тафтишчининг келганига ижирғаниб қарайдиган айрим хўжалик раҳбарлари кейинчалик унга миннатдорчилик билдиришади. Чунки, у қолоқлик сабабларини атрофлича таҳлил қилиш билан бирга уни бартараф этиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради. Сир эмас, айрим ҳолларда ниҳоясига етказилмаган қурилишларни қабул қилиб олинишига эришадилар. Жабборов бундай ҳолларни учратиб қолганда айбдорни сира «аямайди». Қурилиш ташкилотлари чала қолган биноларни қайта таъмирлаб, сўнгра фойдаланишга топширишлари учун раҳбарни мажбур этади. Бунда унга юқори ташкилот мутасаддилари ҳам баҳоли қудрат кўмаклашадилар.

Жабборов бағри кенг, қўлидан келган ёрдамини аямайдиган инсон. Хўжаликларда кўзбўямачилик, талонторож қилишга мутлақо йўл қўймайди. Бу ишларни олдини олишда хўжаликдаги тафтишчиларга ўринли маслаҳатлар беришга ҳам вақт топади.

Яқинда биз Абдукарим ака Жабборов истиқомат қилаётган Бекобод туманидаги «Далварзин» давлат хўжалигида бўлдик. Оила ҳаёти билан танишдик.

— Худога шукур, саккиз нафар фарзандимизни вояга етказдик,— дейди унинг умр йўлдоши Шарофат опа,— улар эл-юрт учун хизмат қилишмоқда.

Беихтиёр атрофга назар ташлайман. Бежирим, шинамгина хонадон. Оддий қилиб қурилган бино. Фарзандлар, набиралар, оқ-қора тасвирли телевизор орқали берилаётган кўрсатувни мароқ билан томоша қилишяпти. Оила аъзолари ўртасидаги таркиб топган бир-бирига ҳурмат, иззат, меҳр-оқибат хонадонга файз, қут-барака киритган. Хонадон тотувлиги, бахтиёрлиги эса эл-юрт маъмурчилиги ўзагидир.

П. ЭРГАШЕВ.

БЕБАҲО ИЛМИЙ МЕРОС

БУТУН дунёга номи машҳур бўлган улуғ сиймо Мирзо Улуғбек илмий мероси Умумбашариятнинг бой меросига айланиб қолди. Машҳур олим таваллудининг 600 йиллик тўйи олдидан ана шу ноёб ҳазинадан ўрин олган қатор йирик дурдоналар босмага тайёрланиб, китобхонларга тақдим этилади.

Мазкур юбилей муносабати билан улуғ алломанинг машҳур бўлган «Зижи жадиди Кўрагоний» асари ҳам чоп қилинадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшуносликлар илмий-тадқиқот институтининг етакчи олимлари ана шу меросни тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлаш билан жиддий шуғулланмоқда.

А. АЛИЕВ.

«ФАРҲОД» БЕЛ БОҒЛАДИ

ЎЗБЕКДА нима кўп, тўй кўп. Хусусан қиз узатиш борасида азалий удумга кўра той-той пахта олиниб бўлажак оила учун кўрпа-тўшак қилинади. Бунинг замирида кўп нарса ётибди. Бу бошқа масала. Бироқ ҳозирги пайтдаги нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб бораётганлиги ва маҳсулотлар тақчиллигининг сезилиши қиз узатувчиларни сарф-ҳаражат борасида жиддий ўйлантириб қўймоқда. Биргина шу пахтани оладиган бўлсак, ҳозир унинг бир килосини 14 сўмга харид қилишингиз зарур. Қарабсизки, 50 килограммлик бир той пахтангиз — нақд 700 сўмга тушиб турибди-да.

Агар пулингизни тежамоқчи бўлсангиз, уйингиздаги эски пахтани ташлаб юборманг. Яхшиси уни Оққўрғон районидаги шахсий ёрдамчи ва фермер хўжалиги уюшмаси қошида ташкил қилинган «Фарҳод» кичик корхонасига элтиб берсангиз фойда кўрасиз. Корхона ана шундай пахталарни янгилаб беришга киришди. Бу ерда тозаланган бир килограмм пахта учун бор-йўғи 1—1,5 сўм тўлайсиз, холос. Ҳозирча корхонада кунига 400—500 килограммдан пахта қайта тозаланмоқда.

Кичик корхона директори Шомил Довудовнинг таъкидлашича, бу хизмат туридан кўпчилик қиз узатувчилар ҳам фойдаланмоқда.

Х. ШАФОАТОВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **ҲИНДИСТОН Республикаси атом энергияси комиссиясининг собиқ раиси, таниқли ҳинд ядрошунос олими доктор М. Р. Сринивасан бизнинг мамлакатимиз ядро қуроли ишлаб чиқариш қувватини сақлаб қолиши шарт, чунки, минтақадаги снёсий-жуғрофий вазият уни ана шундай қилишга мажбур этмоқда, деб айтди. Тамилнад штатининг Ковелунг шаҳрида ўтказилган Ҳиндистон ҳамда француз олимлари иштирок этган илмий семинарда нутқ сўзлаган М. Р. Сринивасан Ҳиндистон хавфсизлиги етарлича тамъинланмагандиги бонс мамлакатнинг ядровий имкониятларини қисқартиришга эҳтиёж йўқ, деган фикрни илгари сурди.**

● **ЛИВАНДА янги Бош вазир тайинланди. Мазкур мамлакатнинг энг бадавлат кишиларидан бири бўлган Рафиқ Ҳариирий ана шу лавозимни эгаллади. Жами бойлиги 3 миллиард доллар деб баҳоланаётган Р. Ҳариирий сўнгги йилларда фуқаролар уруши оқибатида қаттиқ зарар кўрган Ливан иқтисодиётини тиклашда фаол иштирок этиб келаётир. Ливан парламенти раиси Нобих Берри сингари янги бош вазир ҳам Ливаннинг анъанавий снёсатчилари табақасига мансуб эмас. Ўттиз йил муқаддам Саудия Арабистонига мўмай пул топиш учун кетган уддабуррон ҳисобчи катта корхона раҳбари даражасигача кўтарилди. Ливанликлар ҳукуматга раҳбар этиб тайинланган одам мамлакатни кўп йиллардан бери давом этиб келаётган снёсий ва иқтисодий таназзулдан қутқаради, деб умид боғламоқдалар. Парламент депутати Амин ал-Хофизнинг фикрига қараганда, Ливан айнан шундай қатъиятли раҳбарга муҳтож эди, деб айтди.**

● **АДОЛЬФ Гитлернинг маслакдоши ва издоши бўлган Бенито Муссолининнинг келишган набираси Алессандра Муссолини «Стампа» рўзномаси мухбири билан қилган суҳбати чоғида фашизм таълимотига ва менинг бобомга туҳмат қилишларга чек қўядиган пайт келди, деб айтди. А. Муссолини итальян социал ҳаракатиниллатчи ўнг кучлар томонидан сайланган парламент депутатидир. Яқинда Италияда ўнг кучларнинг оммавий намойишлари бошланди. Унда 130 мингдан зиёд миллатчи ўнг кучлар вакиллари иштирок этдилар. Намойишчилар Бенито Муссолини ҳукмронлиги пайтида халққа мурожаат қилишни яхши кўрадиган Римдаги Венеция саройининг айвони олдида катта йиғин ўтказдилар.**

● **ИРОҚ шимолидаги Арбил шаҳрида мамлакатнинг ҳозирги тузумига муҳолифликда турган кучларнинг учинчи умуммиллий конференцияси бўлди. Унда Саддам Ҳусайнни ағдаришга аҳд қилган турли жабҳалардан, партиялардан ва ташкилотлардан 174 нафар вакил иштирок этди. Рейтер ахборот агентлигининг хабар беришига қараганда, мазкур анжуманда Бағдод ҳукуматини ағдариб ташлаш мақсадида барча муҳолиф кучларнинг ягона маркази тузилган.**

● **БРАЗИЛИЯНИНГ яқинда ҳокимиятдан четлаштирилган президенти Фернандо Коллор олий федерал судга ҳимоя мактуби ёзди ва ўзига қўйилган порахўрликка даҳлдорлик айбномаси юзасидан берилган саволларга ёзма равишда жавоб қайтарди. «Бразил» ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, Фернандо Коллор номидан ҳаракат қилаётган ҳимоячи президент ўзини ҳеч қачон бирон-бир жиноятга бош қўшган киши деб ҳисобламайди, деб баёнот берди.**

● **ПОЛЬША Республикаси президенти Лех Валенса мамлакат ҳарбий раҳбарларига мурожаат қилиб, армияни снёсий курашларга тортмасликка даъват этди. Маълумки, Польшадаги айрим партиялар мамлакатнинг Шимолий Атлантика ҳарбий уюшмасига аъзо бўлиб кириши эҳтимоли борлиги учун унга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини ҳамда ошкора снёсий курашни бошлаб юбордилар. Ўнг партиялар бу курашда армиянинг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир, деб ҳисобламоқдалар.**

● **МИСР тарихидаги энг кучли зилзила содир бўлган «қора душанба»дан кейин бир неча кун ўтгач, давлат қурбонларни ва иқтисодиётга етказилган зарарни ҳисоблаб улгурмасидан, ўтган чоршанба куни яна ер қимирлади. Рихтер ўлчови бўйича 4,8 баллга тенг бўлган силкиниш ўчоғи Қоҳиранинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган. Қурбонлар тўғрисида маълумотлар берилмади.**

● **«КУКАТПАРВАРЛАР» партиясидан Германия парламентига сайланган таниқли снёсатчилар — Петр Келли ва истеъфодаги генерал-майор Герт Бастиани полициячилар Боннинг Танненбуш туманидаги шаҳсий уйларида ўлик ҳолда топдилар.**

● **АМЕРИКА Қўшма Штатлари олий ўқув юртларида таҳсил олаётган хитойлик талабаларнинг ўз мамлакатларига нисбатан ишончи қолмаган, мабодо, Америкада қолиш имконияти тополса, Хитойга қайтиб боришмайди. Хитойлик талабалар масаласи билан шуғулланувчи миллий қўмита раиси шу ҳақда баёнот берди.**

«ЭШОНОБОД» ДАЛАЛАРИДА

ҲАМРОҲИМИЗ, тўғрироғи, йўл бошловчимиз «Эшонобод» жамоа хўжалигининг раиси Есжон Ерхўжаев машинани секинроқ ҳайдашни айтиб, бизни йўл-йўлакай хўжаликнинг аҳволи билан таништира кетди: 878 гектар ерда пахта етиштирилмоқда, ўтган йилда 2218 тонна пахта хирмони қўтарилган. Бу режадагидан 20 тонна кўпдир. Бу йил 2250 тонна бўлиши керак,—имкон бор.

— Мана, Тошпўлат Исоқов бошлиқ бригаданинг пахтазорлари. Қаранг-а, кўсаклари бир текис очилмоқда. Ўзи тажрибали уста пахтакор. Бир сўм сарфлаган ердан 100 сўм ундирадиганлардан десам муболаға бўлмайди. Ҳар йили у бошлиқ бригада хўжаликда биринчилардан бўлиб режани дўндириб қўлди.

Машинадан тушдик. Бригадир бизни қарши олди. Саломлашдик. Дала шийпони кўркам, озода. Колхозчилар учун барча шароит муҳайё.

— Мухбир уканг сен билан гаплашмоқчи,— деди раис бригадирга.

— Жуда яхши-да,— дея сўзини бошлади Т. Исоқов. — Мен шу хўжаликда туғилдим. Отам ҳам, онам ҳам колхозчи. Шу боис ёшлигимдан пахта даласига ихлос қўйдим. Барча қийинчиликларга бардош бериб тажрибали пахтакорлардан иш ўргандим. Бригадир бўлдим. Худога шукурки, ҳар йили режани ошириб уддалаб келяпмиз. Бригадамиз аъзолари аҳил, бир оила фарзандларидек. Бамаслаҳат иш кўришади.

Ҳаммага маълумки, бу йил деҳқон учун оғир келди. Шундай бўлса-да, ҳеч иккиланмадик. Гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашяпмиз. Бригадамиз аъзолари орасида меҳнат баҳси ташкил этганмиз. Унга ҳар ойда якун чиқарилади. Ойлик мусобақани якунлаш олдидан улар бирбирларининг ишларини текширадилар. Текшириш якунида ким мукофотга лойиқ эканлиги билинади, қолади. Деҳқонлар йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб, катта хирмон учун астойдил курашмоқдалар.

Раис билан Мавлон Аширалиев бошлиқ бригада даласига келдик.

— Бу йилги об-ҳаво деҳқонларимизнинг иродасини бир синаб кўрди,— дея суҳбатни давом эттирди М. Аширалиев.— Еримиз қирликлардан ташкил топган. Ҳар бир қарич ер аҳил жамоамиз учун беш бармоқдек маълум. Ғўзаларни худди қулоғидан тортгандек ўстирдик. Ҳосил мўлжалдагидан ҳам энёда. Марра — 35 центнер. Буни шубҳасиз уддалаймиз.

— Ҳақиқатан, ҳозирги шароитда қунт қилган, интилган одам ҳамма нарсани уддаласа бўлади,— деди раис.— Илм, техника тараққий этган, ўқимишли мутахассис кадрларимиз етарли. Шу боис йил сайин ҳосилдорлик гектарига бир-икки центнер кўтариляпти. Энг қувончлиси пахтага қалб қўрини, меҳрини бахшида қилган деҳқонларимиз элга таниляпти. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, дейишади. Хўжалигимизда Ўринбосар Мамбетов, Абдушукур Жумадуллаев, Сапар Сайдазимов, Асан Маманов, Сипар Саукеев каби уста пахтакор, суғчи, механизаторларимиз бор экан, ҳамиша бамаслаҳат иш юритиб, кўзланган режани шубҳасиз уддалаймиз.

Раис айтганча бор. Жамоа хўжалигида тадбиркор деҳқонлар анчагина. Шунинг учун ҳам бу йил хўжаликда қайта бузиб экиш ҳоллари содир бўлмади.

Меҳнаткашлар учун шароит, қулайликлар бор бўлса, албатта, у ерда самара ҳам юқори бўлади. Бу хўжаликда дала шийпонлари деҳқонларнинг ҳақиқий иккинчи уйига айлантирилган. У ерда радио, телевизор, музлатгич, қўйинг-чи, рўзғорбоп анжомларнинг ҳаммаси муҳайё.

Барча дала шийпонларига телефон линиялари ўрнатилган. Меҳнаткашларнинг 100 дан ортиқ фарзанди болалар боғчасида тарбияланмоқда.

Ишончимиз комилки, хўжалик деҳқонлари бу йил ҳам, албатта, ўз ваъдаларни бажарадилар.

Т. ЭРҲУЖАЕВ,
Чиноз ноҳияси.

ЎЗБЕК ЁШЛАРИНИНГ ЖАҲОН АНЖУМАНИ ЎТАДИ

Бугунги кунда собиқ Иттифоқдош республикалар ичида Ўзбекистонимиз ўзининг меҳмондўстлиги, тинчликсеварлиги, халқпарварлиги билан ажралиб турибди. Яқинда пойтахтимизда ўтказилган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро XI Тошкент кинофестивали бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ҳам 2—6 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ёш ватандошлар халқаро анжуманини ўтказмоқчи. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси матбуот хизмати раҳбари **Лазиз ТАНГРИЕВ** ана шу ҳақда мухбиримиз **Даврон АҲМАД**га қуйидагиларни гапириб берди.

— Асримиз бошида юз берган турли сиёсий ўзгаришлар, мудҳиш воқеалар сабабли кўплаб ўзбек миллатига мансуб туркистонликлар ҳорижга, чет элларга паноҳ истаб кетиб, ҳозиргача у ерларда яшаб келмоқдалар. Мана, ватанимиз сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мустақилликка эришди. Биз мустақилликнинг самараларини муҳожирликда юрган ёш ватандошларимиз билан баҳам кўриш ниятида республикамизда ўтказиладиган ёш ватандошлар халқаро анжуманига катта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу ўзига хос анжуманга Америка, Олмония, Саудия Арабистони, Япония, Иордания, Италия, Бельгия, Австралия, Канада, Афғонистон, Покистон, Хитой, Қурия каби ҳорижий давлатлардан 140 нафар ўзбек ёшлари таклиф этилган. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсадимиз авваламбор дўстлик ришталарини боғлаш, муҳожирликда юрган ватандошларимиз отабоболарининг қадам босган жойларини зиёрат қилиш, уларнинг қариндош-уруғлари билан дийдор кўрсатишдир. Меҳмонларнинг кўпчилиги ишбилармонлар, бизнесменлар, катта-катта дўкон, меҳмонхоналар эгалари бўлиб, улар билан ўзаро манфаатли шартномалар имзолаш ниятидамиз. Байрам ўтади, лекин ҳар қандай анжуманда битта из қолиши керак. Ҳозир маҳсус ташкилий қўмита тузилган. Унга республика Бош вазирининг ўринбосари Муҳаммаджон Қораболев раислик қилмоқда.

— Лазиз ака, ўтказилаётган бу халқаро тадбирнинг ташаббускори ва ҳомийлари кимлар?

— Ташаббус Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг фаолларидан чиқди. Ҳақиқатан ҳам бу байрамга анча маблағ кетади. Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясига мурожаат қилган эдик. Улар ана шу савобли тадбирга бош ҳомийлик қилишга иккиланмасдан розилик бердилар. Яна йирик хомийларимиздан бири Ўзбек — Америка савдо — иқтисодий корпорациясининг «Эл» халқаро уюшмаси раиси Абдурауф Мақсудий бўлиб, ушбу тадбирга бир миллион сўм ўтказди. Ўзбек халқининг ҳаётида биринчи маротаба бўлаётган бу анжуманда иштирок этиш учун ўз ҳиссасини қўшаётган ҳомийлар сони кўпаймоқда.

«ЎЗКСЕРОКС» ИШ БОШЛАДИ

БУЮК британиялик Честер Карлсон 1938 йилда жаҳонда биринчи бўлиб ўзи олган ксеронусхага маҳлиё бўлиб тикилиб қолган пайтда эллик йилдан кейин ер юзида ҳар куни 4 миллиард нусха олиниши, шунинг тенг ярмиси унинг ўзи бунёд этган «Ксерокс» фирмаси машиналарида олиниши ва ҳатто Ўзбекистон деган жаннатмакон диёрда бу фирманинг машиналари ишлаши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бўлса керак...

Кеча Тошкентда ўзбек-Британия қўшма корхонаси «Ўзбек ксерографик системалари» ўз иш фаолиятини бошлади. Унга «Шарқ» нашриёт матбаа концерни ва «Рэнк Ксерокс» фирмаси муассислик қилмоқда. Қўшма корхонанинг очилиши маросимида унинг бош директори Шуҳрат Носиров, корхона бошқарувининг раиси И. Ш. Шоғуломов, «Рэнк Ксерокс» фирмасининг МДҲдаги вакили Роберт Эйджи, Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ва бошқалар ҳозир бўлдилар. Корхона бошқарувининг раиси И. Ш. Шоғуломов қўшма корхонанинг иш фаолияти ҳақида қисқача сўз юритди ва унинг келажаги порлоқлигига катта ишонч билдирди.



Фирма вакили Р. Эйджи тўпланганларга фирманинг нусха кўчириш машиналари жаҳонда муносиб ўрин тутаётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Дарҳақиқат, қўшма корхона давлат ташкилотлари, хусусий шахслар ва бошқа муассасаларга барча турлардаги ва шакллардаги ҳужжатларни ранг-баранг ҳолда қисқа муддатда нусхалаштириб беради. «Ўзксерокс» шу куни ташкилотлар, корхоналарга шартномалар тузиш учун барча қулайликларни яратиб берди. Қўшма корхонада ҳозирча 15 нафар маҳаллий хизматчи иш юритади. Унинг қўлами кейинчалик кенгайсада, ишчилар сони 25 кишидан ортмайди. Бундан қутилаётган даромад эса бир неча миллион сўмни ташкил этади. Корхонадаги шароит мижозлар учун ҳар тарафлама муфассал, пухта хизмат қилишидан дарак беради. Зотан бундай хизмат туридан фойдаланиш ҳар бир киши учун фойдалидир.

ОРОЛДАН ШОҲИМАРДОНГАЧА

Яқинда муҳарририятимизга Швейцариядан келган икки меҳмон — эр-хотин Филип Айдеман ҳамда Шонтал Пенатье ташриф буюришди. Филип Айдеман ихтисоси бўйича педиатр бўлиб, Шонтал Пенатье эса журналист экан. Касбимиз тақозоси билан Шонтал Пенатье билан бир зумда гапимиз қовушиб кетди. Суҳбатимиз мавзуси журналистика ҳақида бўлди.

— Шонтал, журналистика соҳасига қандай қилиб келгансиз? Шу ҳақда гапириб берсангиз.

— Мен 1983 йили Женева университетининг адабиёт факультетига ўқишга кирдим. Бу ерни тугатгач, ўз кучимни дастлаб журналистика соҳасида синаб кўришга аҳд қилдим. Шу мақсадда Швейцария радиосида штатсиз мухбир бўлиб қатнаша бошладим. Биласизми, бизнинг мамлакатда умуман журналистика фани ўқитилмайди. Лекин ҳар бир ёш бир-икки йил давомида ўз қобилиятини шу соҳада синаб кўриш имкониятига эга. Менинг дастлабки интилишларим, иш услубим хўжайинларимга ёқди. Кейин мени ишга қабул қилишди.

Юқорида айтиб ўтганимдек бизда бу соҳага қизиқувчилар кўп. Бу соҳанинг барча қийинчиликларига дош берганларгина ишлаб қолишади. Кўпчилик ёшлар эса бошқа касбга ўтиб кетишади.

— Сизларда журналистнинг қайси ҳислатлари кўпроқ эъзозланади?

— Менимча, уддабурронлик бўлса керак. Масалан, Женева шаҳрида бир йилда бир марта автосалон кўриги бўлиб ўтади. Табиийки, ҳар бир маҳсулот эгаси ўз молини мақташга ҳаракат қилади. Мана шунда журналистларнинг ўткир кўзлари ҳамда зеҳнлари ниҳоятда иш беради. Табиийки, биз мол эгасининг мақтовини эмас, машинанинг ҳақиқий сифатини ёзишимиз керак. Бунда мутахассисларнинг фикри ҳамда мол эгаларининг ўз шерикларига «беҳосдан» айтиб юборган гаплари асқотади. Материал босилиб чиққач, уни ҳамма ўқийди. Сўнгра журналист ортиқча мақтовларга йўл қўйган бўлса, алданиб машина сотиб олганлар олдида қизариб қолиши ҳеч гап эмас.

— Журналист касб-маҳоратини оширишда устозлар ўгити...

— Йўқ, йўқ, асло бундай эмас. Бизда ҳеч ким ўз касбини бошқа бировга ўргатмайди. Бунга ёшлар фақат ўз кучлари ва интилишлари билан эришадилар. Бундан ташқари икки йил мобайнида ёшлардан қандай журналист чиқиши маълум бўлиб қолади. Шу билан бирга бизда бир йилда бир ҳафта ўз билимимизни ошириш учун ўқув ташкил этилган. Оммавий ахборот воситалари ходимлари бу ерга келиб ўқишади. Асосан кўп нарса бизда журналистнинг қобилиятига ҳамда интилишига боғлиқ. Хоҳласа ўқийди...

— Сиз фаолият кўрсатаётган редакцияда иш қандай ташкил қилинган?

— Мен асосан «Трибуна де Женева» газетаси ҳамда

ЧЕТ ЭЛЛИК ҲАМКАСБИМИЗ БИЛАН МУСОҲАБА

«Эб до» журналига ёзиб тураман. Ёзилаётган мақоланинг савияси ва долзарблиги ниҳоятда муҳим. Мен тайёр мақолани муҳаррирга топшираман. Қолгани эса унинг иши. Қалам ҳақи масаласи бизда доимо бир хил эмас. Редакциянинг иқтисодий аҳволи, ёзилган материалнинг сифатига қараб ўзгариб туради. Агар мақола кўпчиликда қизиқиш уйғотиб, шовшувга сабаб бўлса, қалам ҳақи ҳам юқори бўлади. Газета эса ҳар куни чиқади. Ҳажми эса 60 вараққа етади. Редакцияда 40 га яқин ходим ишлайди.

— 40 кишининг 60 бетлик рўзнома чиқаришлари оғирлик қилмайдими?

— Йўқ, газетанинг 70 фоиздан кўп ҳажми эълонлардан иборат. Ходимлар асосан шунинг ҳисобига яшашади. Бунинг устига бизда материаллар ниҳоятда сероб. Чунки ҳар бир корхона раҳбари ўзидаги мавжуд ишлаб чиқарилган маҳсулотни реклама қилгиси келади. Шунда ҳам биз материалларни танлаб-танлаб нашр қиламиз.

— Сизларда журналистлар қанча маош олишади?

— 4 минг швейцария франки атрофида. Бу 3 минг АҚШ долларига тенгдир. Бундай ойлик билан Швейцарияда бемалол яшаса бўлади.

— Сизларда танқид масаласи қандай? Ўлни вақтида ремонт қилишмаса ёки ахлат вақтида олиб кетилмаса шаҳар амалдорларини танқид қиласизларми?

— Йўқ. Бундай хафсаласизликка йўл қўйган амалдорларни биз ёзмасимиздан бурунроқ ишдан олиб ташлашади. Лекин танқид масаласига келсак, ҳамма — шаҳар мэридан тортиб амалдорларгача бундан «бенасиб» қолишмайди. Ёдимда, 1988 йил қизиқ воқеа бўлганди. Уша пайтларда бир аёл мамлакат ички ишлар вазири бўлиб ишларди. Унинг эри эса банкда бошқарувчи бўлиб ишлар экан. Полиция шу банк ходимларининг наркомафия билан алоқалари борлигини сезиб қолади. Ички ишлар вазири бўлган ҳалиги аёл эса эрига: сизнинг банкингиз яқинда текширувдан ўтади, деган хабарни беради. Унинг бу қилмишини бир журналист тадқиқ қилиб вазир аёлнинг бу қилмишини қоралайди ва бу ҳақда мақола чоп этади. Фактлар тасдиқлангач, вазир аёл ишдан кетади. Уша йили шу мақола муаллифи журналистлар ўртасида таъсис этилган соврин билан мукофотланган эди.

— Сизларда газетанинг чоп этилиш жараёни қандай кечади?

— Икки-уч газета битта босмахонада чоп этилади. Унинг сифати бизда ниҳоятда юқори. Чунки охирги пайтларда газетанинг безатилиши, сифати ўқувчиларни ниҳоятда қизиқтирмоқда.

— Қоғоз масаласи қандай?

— Қиммат, лекин бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ.

— Энди якунловчи саволим: Ўзбекистон сизда қандай таассурот қолдирди?

— Жуда яхши. Ерингиз ҳам, халқингиз ҳам саҳий экан. Биз Филип билан Орол денгизидан тортиб то Шоҳимардонгача саёҳат қилдик. Таассуротларим жуда бой. Буларни албатта ўз ўқувчиларимга етказаман.

Суҳбатдош Неъмат РАФИҚОВ.

БИЛАСИЗМИ?

● Биринчи математик аёл Ипатия эрамизнинг V асрида яшаган.

● Дунёда биринчи математик ҳисоблаш маркази Самарқанд шаҳрида Улуғбек раҳбарлигида қурилган.

● Биринчи ҳисоблаш машинаси 1623 йилда немис олими Вильгелм Шиккард томонидан кашф қилинган. Бу машина ҳақидаги маълумот фақат 1958 йилдагина маълум бўлган.

● Бўлиш ва кўпайтириш ҳақидаги биринчи автоматик қурилма рус математиги Чебишев томонидан яратилган.

● XV асрда Улуғбекнинг машҳур расадхонасида ишлаган ўзбек математиги Ғиёсиддин Жамшид Али Қушчи биринчи бўлиб ўнли касрларни яратган. Оврўпода ундан 175 йил кейингина Симон Стивен бу сонларни кашф қилган.

● Синуслар теоремасини асримизнинг — 598—660 йилларида яшаган ҳинд математиги Брамогупта кашф қилган.

● Косинуслар теоремасини эса Беруний (973—1048) кашф қилган. Оврўпода уни француз Вент (1540—1603) яратган.

ПОЕЗД ЖЎНАШ АРАФАСИДА

Саноат моллари ва овқат маҳсулотларимизни четга олиб чиқиб кетаётганларга қарши қандай кураш олиб борилмоқда?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганига бир йилдан ошди. Ана шу олий бахтга эришган биринчи кунларимизданоқ ер ости, ер усти ва бошқа бойликларимиз ўзимизга хизмат қиладиган бўлди. «Торт-торт»ларга, ташмачиларга чек қўйиш мақсадида Республика Давлат божхона қўмитаси ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Энди ризқимизни қийиб, ўзимизга етмаётган озиқ-овқат маҳсулотларини четдаги пулдорларга ташиётганлар йўлига ишончли тўсиқ қўйилди.

Афсуски, қонунларимизни ҳамон назар-писанд қилмайдиган, билса ҳам ўзларини билмасликка олиб, бойликларимизни пинҳона ташиётган юлғичлар учраб турибди. Бунга биз пойтахтимизнинг жанубий вокзалида бўлганимизда гувоҳ бўлдик.

Вокзалда одамлар-ғужғон, ҳамманинг ўз ташвиши бор, бири узоқ сафарга отланса, бири пойтахтга келади. Бир маҳал вокзалнинг тўрт тарафига ўрнатилган кучли радиокарнайлардан диктор аёлнинг кўнгироқдек овози жаранглади:

— Ҳурматли йўловчилар, 85-«Тошкент — Москва» поездига ўтириш бошланди, ўз вақтида жойларингизни эгаллашларингизни сўраймиз.

Йўловчиларга жон кирди, бири тугунини, бири чамадонини кўтариб вагонларга чиқа бошлади. Ана, икки киши яхшилаб ўралган қандайдир нарсани икки тарафдан кўтарганча, шошилиб кетишяпти. Уларни милиция майори Валижон Ғуломов ҳамда милиция катта лейтенанти Соғиндиқ Турсунқуловлар тўхтатишди:

— Оғайнилар, йўл бўлсин?

— Москвага.

— Бу қутидаги юкингиз нима?

— Телевизор. «Орион». Японияники, Тошкент «Отчопари»дан 35 минг сўмга сотиб олдик. Москвалик биродаримиз илтимос қилган эди, шунга олиб кетаяпмиз.

— Бундай буюмларни четга чиқариш мумкин эмаслигини билмайсизларми? Қани, навбатчилик хонасига юринглар-чи...

— Қўйинг энди, поезддан кеч қолаяпмиз.

— Поезддан қолиб кетсангиз, кассадагилар чипта пулингиздан бироз миқдор олиб қолиб, қолганини қайтариб беришади.

Аслида пулни пўчоққа ҳам кўрмайдиган бу «савоб»чилар бошқа нарсадан — «Орион»ни Москвага олиб бориб, уч-тўрт баравар қимматига сотолмай қолишларидан чўчишаётган эдилар.

Шаҳримиз бедарвоза эмас

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди: улар телевизорни давлат фойдасига топшириб, ҳам қонунни бузганликлари учун 500 сўм жарима тўлаб, ичлари тўздек ачишиб, бўш қўллари билан Москвага йўл олишди...

Қўқон шаҳар, Улуғбек кўчасидаги 43-уйда истиқомат қилувчи 28 ёшли Улуғбек Муҳаммадиев Қўқон ва Тошкент дўконларидан 41 минг 970 сўмга 1150 дона пайпоқ, 40 дона эркаклар кўйлаги, 20 дона рўмол харид қилиб, ими-жимида Москвага жўнамоқчи бўлиб турган экан. «Шўрлик» Улуғбек ҳам поезддан қолиб кетди, шунча пулга олган нарсаларини давлатга топшириб, 500 сўм жарима тўлади ва Қўқонга қайтиб кетди.

Тошкент вилоятидаги «Янгиҳаёт» қишлоғининг 58-дорихонасида кассир бўлиб ишлайдиган Соғида Тўхтаева москваликларга пуллаш мақсадида Тўйтепадан 56 минг 800 сўмга 6 та Хива гиламини кўтариб олган экан. У «Тошкент—Новокузнецк» поездига чиқаётганда орқасига қайтарилди.

Тошкент шаҳар, Қорасув массивидаги 9-уйнинг 49-хонасида яшайдиган олий маълумотли Тимур Вениаминович Рауфов аслида бирор ерда ишламас экан. Қарангки, ишламасдан ҳам 93 минг 730 сўмга 4 минг дона тозаланган мўмиё, 26 дона дурбин, 60 дона тиббиёт кўзойнаги сотиб олибди. Устакор йигит 85-«Тошкент — Москва» поездининг белгиланган вагонига чиқиб, ҳеч нарсани билмагандек атрофни тамоша қилиб ўтирган экан. Тошкент шаҳар божхона ходимлари уни поезддан тушириб, божхонадаги икки тилда ёзилган қонун-қоидаларни ўқитиб кўришди. У ўқиб, «саводи» чиққач, ломмим демай ёнидан 500 сўм жарима чиқарди ва «бойлиги»дан айрилиб, поездга ўтирди. У ҳеч кимга шикоят қилолмайди. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг қонунларига ҳамманинг амал қилиши мажбурий.

Телевизору, газеталарда четга мол олиб чиқиб кетиш мумкин эмас, деб тинимсиз эслатишяпти, қўлга тушганларнинг «ҳусн-жамол»ларини кўрсатишяпти. Лекин барибир, айрим кимсалар бир бало қилиб ўтиб кетармиз деган хомҳаёлда қинғир ишга қўл уришмоқда. Майли, пуллари кўпайиб кетган бўлса, қилмишларини давом эттираверишсин, ҳам жарима тўлаб, ҳам молларидан айрилганда кўзлари мошдек очилади.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

1992 йил 5 ноябрда

КАТТА ҲАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Концертда севимли хонандалар ва сўз усталари:

Ортиқ ОТАЖОНОВ
Олмахон ҲАЙИТОВА,
Аҳмаджон ШУҚУРОВ
Ғуломжон ЁҚУБОВ
Ғиёс БОЙТОЕВ
Охунжон МАДАЛИЕВ
Маҳмуджон АЗИМОВ
Насиба АБДУЛЛАЕВА
Муҳриддин ҲОЛИҚОВ
Ботир МУҲАММАДХУЖАЕВ
Обид, Собит АСОМОВ
ва бошқалар қатнашадилар.

Ҳайрия концерти ойнаи жаҳон орқали ёзиб олинади ва намойиш этилади.

Ҳайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз. Уларнинг коллектив бўлиб келишлари учун таклифномалар берилади.

Коллектив буюртмалар биринчи навбатда қабул қилинади.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

ЯНА икки турдан сўнг олий лига футбол жамоаларининг республика биринчилигига якун ясалади. Куни кеча 34-турдаги асосий ўйин Фарғонада — «Нефтчи» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ўйинда фарғоналиклар 2:0 ҳисобида устун келишди ва очколар сонини 49 тага етказишиб, биринчи ўринга кўтарилдилар. «Пахтакор» ҳисобида эса 47 та очко бор. Бироқ «Пахтакор» фарғоналиклардан бир ўйин кам ўтказган. Шуни ҳисобга олганда чемпионликни қўлга киритишда тошкентлик футболчиларнинг имконияти бор. Бу турдаги қолган ўйинлар натижаси қуйидагича тугади: «Мароқанд» — «Наврўз» — 0:0, «Янгиер» — «Навбаҳор» — 2:4, «Сўғдиёна» — Чирчиқ» — 6:0, «Кимёгар» — «Трактор» — 1:3, «Шаҳрихонча» — «Пахтакор — 79» — 2:1.

БИРИНЧИ лига жамоалари ўртасидаги чемпионат ҳам якунланай деб қолди. Мавсум тугамаёқ келгуси йили олий лигада тўп сурадиган жамоалар аниқланди. Улар орасида Юқоричирчиқ районидаги «Политотдел» жамоахўжалигининг «Политотдел» командаси ҳам бор.

* * *

ФУТБОЛ мухлислари ўтган ҳафта Оврўпо кубоклари ўйинларида иштирок этаётган жамоаларнинг қизғин мусобақаларини кузатишди. Россиянинг МАСК жамоаси «Барселона» футболчиларини қабул қилди. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Торпедочилар эса Мадридда «Реал» жамоасига қарши тўп сурди. Ўйин мезбонлар фойдасига ҳал бўлди—5:2, Киевнинг «Динамо» командаси Бельгиянинг «Андерлехт» жамоаси меҳмони бўлди. «Динамо»чилар 2:4 ҳисобида имкониятни бой берди.

Қолган учрашувларда: «Спартак» (М) — «Ливерпуль» — 4:2; «Торино» (Турин) — «Динамо» (М)— 1:2 натижалари қайд қилинди.

* * *

ОСИЁ кубоги мусобақаларини яхши бошлаган ўзбекистонлик футболчилар навбатдаги учрашувда туркманистонликларга 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди.

* * *

НИҲОЯТ Ўзбекистон кубогининг соҳиби ҳам аниқланди. Самарқандда бўлган «Темирйўлчи» (Қўқон) — «Навбаҳор» (Наманган) ўйинида ҳисоб очилмади. Қўшимча вақт ҳам натижасиз тугади. 11 метрлик тўп тепиш баҳсида қўқонликларнинг омади келди — 6:5. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг биринчи кубогини «Темирйўлчи» жамоаси қўлга киритди.

ҲИКМАТ БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

● Яхшилик йўлида юрдингми, бу йўлдан чиқма.

● Яхшилик — иссиқ, ёмонлик—совуқ. Ҳар қандай совуқликни яхшилик иситади.

● Ким яхшиликка бошласа, уни устозим деб билгин.

● Яхшилик яхши мурод — мақсадларнинг калитидир.

● Эл-юрт учун фидойилик қилиш яхшиликларнинг гултожи ҳисобланади.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

4 — 11 ноябрь кунлари соат 12, 15.00 да

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Мактаб ўқувчиларининг кузги таътил кунларида Ҳуққавозлар, акробатлар, кўзбойлоғич аттракционлари ва ҳоказолар иштирокида

ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Дастурда: айиқлар, отлар, кучуклар, бўғма илонлар ва ҳўтикчалар, шунингдек қизиқчилар гуруҳи қатнашади.

Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

Қишлоқ жойларидан тушган талабномалар навбатсиз қабул қилинади.

Цирк фойесида ёшлинч суратқашлик устахонаси ишлаб турибди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

«Ўзбекбирлашув»нинг «Тошкент маъдан сувлари» сиҳатгоҳи жамоаси шу сиҳатгоҳ бош шифокори Б. Ю. Аҳмедовга отаси

Юнус АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-398. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.00. 31730 нусха босилади.